



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 9 май, № 93-94 (7051-7052) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, халқнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг халқро майдонда муносиб ўрин эгаллашига йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўзининг ифодасини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон Республикасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида мамлакатнинг халқаро муносабатларининг тўла ҳуқуқий субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тамойиллари ва қадриятларига эътиборини кучайтириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиши таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чоралар тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, қонунчиликка ва давлат органларининг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самардорлигини ошириш мақсадида:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган ижрочиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Дастурда кўзда тутилган тадбирлар ижросини ташкил қилишга ва уларнинг ўз вақтида ижро этилиши мониторингини амалга оширишга ҳар тарафлама кўмаклашиш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакиллари фаол иштирок этиши бўйича халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилишнинг таъминлаш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган тадбирларни, мамлакатимизда мақсади ва шартлари инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда 2018 йил 10 декабрда мамлакатимиздаги мақсади ва шартлари инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда 2018 йил 10 декабрда мамлакатимиздаги мақсади ва шартлари инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш.

Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосари Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 май

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни «Бу кунларнинг баҳоси йўқ»



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



«Хонадонимизда ҳар куни байрам. Кўни-қўшиллар, қариндош-уруғ, ўқувчи-ёшлар йўқлаб келишади, суҳбатга тутишади, учрашувларга олиб кетишади. Бундан жуда хурсандман. Кўни кеча эса ҳокимиятдан вакиллар келиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бизга йўлаган табригини ўқиб беришди. Ундаги қайноқ меҳр, юксак ҳурмату эҳтиромдан бошим осмонга етди. Урушда дийдам қотган, унча-мунчага йўғламайман, аммо бу хат мени йўғлатди. Бизни қадрлаганларнинг азиз боши ҳамиша омон бўлсин. Яна қаерда дам олишни истасам, ўша ерга бегул йўлланма беришларини айтишди. Эҳ-ҳе, бир инсонни ҳурмат қилиш шунчалик бўлади-да! Бугунги кунларнинг баҳоси йўқ, шундай дориламон замонга етказгани учун беҳисоб шукроналар айтаман...»

Бу сўзлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Низом ота Нуриддиновга тегишли.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги устувор йўналишлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифалари прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаш.

Утган давр мобайнида ҳуқуқни қўллаш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, қонунбузилишлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан прокуратура органлари ходим-

ларини зарур билим ва кўникмаларга ўргатиш борасида муайян таълим ва илмий салоҳият шакллантириш.

Хусусан, 2007 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи Олий ўқув курслари фаолият юритмоқда. Олий ўқув курсларида 2007 — 2017 йиллар давомида 4318 нафар ходимнинг малакасини ошириш ва 186 нафар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш таъминланди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари фаолиятининг мутлақо янги йўналишлари белгиланганлиги, уларнинг амалга ошириладиган ислоҳот ва ўзгаришлардаги ўрни кучайтирилганлиги юқлатилган вази-

фаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантиришни талаб этмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси** (кейинги ўринларда Академия деб юритилди) этиб қайта ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов мамлакатимизга таширф буурган Литва Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Линас Линкявичюс бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ўзбекистон — Литва: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА

Қизгин мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари бўйича фикр алмашилди. Қайд этилганидек, айни пайтда Ўзбекистон — Литва ўртасида 30 дан орტიқ шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган бўлиб, улар икки мамлакат алоқалари фаол кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Фақат сўнгги вақтларда мазкур давлатлар ўртасида фивар айриб-айриб ҳажми 20 фоиз ўсган бўлиб, ушбу кўрсаткич томонларни қониқтирмапти. Учрашув қатнашчиларининг фикрича, тиббиёт, таълим, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда ҳам мавжуд имкониятларни ишга солиш

бугунги кунда мақсадга мувофиқдир. Спикер меҳмонларга Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясида биноан, мамлакатни социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг жадаллаштириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириладиган юзасидан маълумот берди. Хориж давлатлари билан муносабатларини мустаҳкамлаш, бунда парламент дипломатияси механизмида самарали фойдаланишга устувор аҳамият қаратиладигани айтиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

«КОРЕЯ МЎЪЖИЗАСИ»НИНГ СИРИ НИМАДА?



Корея Республикаси дунёнинг энг илғор давлатларидан биридир. Хосилдор ер тақчил, ҳеч қандай ер ости табиий бойликлари йўқ. Аммо шундай шароитда ҳам мазкур мамлакат қандай қилиб бу даражага эришди? Бунинг сири нимада? Биз ушбу дийрга сафаримиз давомида ана шу саволларга жавоб изладик...

Шерзодхон ҚУДРАТХЎҲАЕВ, Халқаро пресс-клуб раиси.

«Ақлли шаҳар»

Дастуримиз турли йўналишларни қамраб олган бўлиб, жуда қизикarli тузилган эди. Биз, ўзбекистонлик журналистлар Жанубий Кореядаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, қишлоқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш, маънавий-маърифий соҳалар, умуман, кўпгина жабҳаларда олиб

борилаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўришга муваффақ бўлдик. Сеул — мамлакат пойтахти, салобатли, шу билан бирга, осийишта шаҳар. Бугунги кунда мегаполисда ўн миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Умумий, Сеул — Инчон агломерациясида эса 23 миллиондан ортиқ фуқаролар ҳаёт кечиради. Шаҳар сизни асло зериктирмайди. Пойтахт

БИЗ ва ЖАҲОН

кўчалари саранжом-саришта. Сеулда 3000 та чорража мавжуд. Шунга қарамай, автотранспортлар тартиб билан ҳаракатланади. Асаб бузиш деган гап йўқ. Ҳамма нарса интизом, ўзаро ҳурмат ва демократик асосда шаклланган.

(Давоми 5-бетда).

МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Хитой — нафақат Шарқий Осиё, балки дунёдаги энг ривожланган ва кудратли мамлакатлардан саналади. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам яққол тасдиқлайди: айни пайтда бу ерда салкам бир ярим миллиард киши яшайди. Худуди бўйича у Россия ҳамда Канададан кейин учинчи ўринда туради. 2017 йил якунларига кўра, Хитой иқтисодий жиҳатдан жаҳонда иккинчи ўринда қайта этилди.



Бекиндан махсус муҳбиримиз Омонулла ФАЙЗИЕВ хабар қилади.

Халқаро ҳамжамиятда мазкур давлатнинг нуфузини белгилайдиган яна бир жиҳат бор. Яъни Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзосидир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ривожланиб, янги мазмун-моҳият касб этаётгани ушбу давлат Ўзбекистонни ўзининг энг яқин ҳамкори, ишончли дўсти ва стратегик

шериги, деб билишидан далолат. Аслида муносабатларимиз мустаҳкамлигининг яна бир сабаби бор: Буюк Ипак йўли тарихида халқларимиз муҳим ўрин тутган. Уша пайтларданок миллий қадрият ҳамда аъёнларимиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Ўзбекистон ҳам Хитой Халқ Республикаси билан стратегик шерикликни мустаҳкамлаш,

(Давоми 5-бетда).

Халқаро Канн кинофестивалида «Ўзбекистон» павильони очилди



Шу йил 8 — 19 май кунлари Францияда бўлиб ўтадиган 71-халқаро Канн кинофестивалида илк бор «Ўзбекистон» павильони иш бошлади. Мазкур павильон Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2. Қуйидагилар Академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларнинг интерфол ҳамда муаммоли-вазирли услубларини кенг жорий этиш;

прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини кўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда, амалга ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

прокуратура органлари фаолияти йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш;

прокуратура органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш, номзодларни хизматга қабул қилишда касбий-психологик танлов ўтказиш, прокуратура органларидаги маънавий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш; ўқув жараёнининг сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни чўқурлаштириш.

3. Белгилансинки: а) Академияда касбий қайта тайёрлаш ва малака ошириш кўйидаги дастурлар бўйича амалга оширилади; б) прокурор-тергов иши ва прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш асосларини ўқитишга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун

номзодларни бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш;

прокурор-тергов ва таҳлилий ишларни юритиш, норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш юзасидан касбий билим ҳамда кўникмаларни чўқурлаштиришга, шунингдек, ишни ташкил этишнинг инновацион шакллари ва методларини ҳамда бошқарув асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятини етказиш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, прокурор-тергов ишининг илгор ютуқларини ўргатиш, шунингдек, прокуратура органлари ходимлари фаолиятидаги тизимли камчиликларни бартафат этишга йўналтирилган, давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш;

б) прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир мартани ташкил этади;

в) прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодлар прокуратура иш ўрганувчилари лавозимига тайинланганига қадар мазкур Фармон 3-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига: Академияда асосий иш жойидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этиш;

истисно тариқасида, мазкур Фармон 3-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтмаган шахсларни прокуратура органларида хизматга қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Академияда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистрларни, шу жумладан, бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва прокуратура органларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари ҳисобидан тайёрлаш ҳақидаги таклифи билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Академия магистратурасига қабул қилиш квоталарини белгиласин.

5. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси Академиясининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси Академиясининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига: Академиянинг тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш; ўқув жараёнини таълимнинг қундузги, кечки, сиртқи ва масофавий шакллари асосида ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки: Академия прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб ҳисобланади;

Академияга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлик раҳбарлик қилади; прокуратура органлари ходимлари келгусида

прокуратура органларининг ўзлари эгаллаб турган лавозимга тенг бўлган бошқа лавозимларида хизматни давом эттиришни таъминлаган ҳолда Академияда хизмат ўташ учун ротация тартибиде жалб этилиши мумкин;

Академия ходимларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

даражали унвонга эга бўлган Академия ходимлари прокуратура органлари тармоқларида стажировка ўташ даврида прокуратура органлари ходимларининг тегишли ваколатларидан фойдаланадилар ва мақом бўйича Академия тегишли тармоқлари (бўлимлари)нинг прокурорлари бўлиб ҳисобланадилар;

2018 йилнинг 1 июнидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Академия ходимларига прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган оширилган тариф коэффициентини ва алоҳида меҳнат шaroитлари учун ҳар ойлик устама ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ўз таркибига олувчи лавозим мошига 100 фоиз миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади;

Академия фаолияти Давлат бюджети, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Академияда тўлов-контракт асосида ўқитишдан келиб тушадиган маблағлар Академиянинг ўқув ва моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

8. Академияга: етакчи ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг оқори малакали мутахассис ва экспертларини шартнома асосида ўқув жараёнига жалб қилишга;

прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун бирламчи ихтисослашув шаклидаги касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича таълим олаётган номзодларнинг яшаш ва овқатланиш харажатлари учун тўловларни прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

9. Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар Академияга ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, шу жумладан, тажрибали мутахассисларни жалб этиш ҳамда илмий-амалий стажировкаларни ташкил этиш борасида ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Академия: Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Академия ахборот-ресурс марказини мустаҳкамлаш учун босма ва китоб махсусотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул назорат нусхалари (бир нусхада);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, бошқа вазирлик ва

идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси уч ой муддатда:

Академия Уставини, прокуратура органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомни, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режалари ва дастурларини, Академия магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

Мазкур Фармон талабларига мувофиқ, Академия штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқласин;

Академияни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига ҳамда амалий иш тажрибасига эга, шунингдек, хорижий тилларни эгаллаган малакали кадрлар билан тўлдирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, видеоконференцалоқа ва масофавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда, «Электрон таълим» миллий тармоғига уланшини;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондида ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондида доимий ва узлуксиз равишда киришни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академияга зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Академияни жойлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси биноларининг ягона мажмуини қуриш доирасида Академия қурилишини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокураторасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-727-сонли қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.


16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси ва унинг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 8 май



Ўзбекистон — Литва: Ўзаро муносабатлар янги босқичда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Литва делегацияси Ўзбекистон парламенти кўйи палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар фаолияти билан танишди. Парламентлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш, хусусан, биргаликда тадбирлар ўтказиш, фикр алмашиш, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятида тажриба ўрганишга оид масалалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда мустаҳкамланиб бораётган парламентлараро алоқалар икки томонлама сиёсий мулоқотни тараққий топтиради ҳамда муҳим омил бўлмоқда. Литва Сеймида Ўзбекистон билан парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳ фаолият олиб бораётгани, делегациялар билан мунтазам алмашинувлар ташкил қилинаётгани бунинг амалий ифодасидир. Ўз навбатида, мартабали меҳмон Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ҳамда нуфузи, мамлакатнинг ҳар томонлама тараққий топиши учун фаол сайёҳаракат олиб бораётганини

ни эътироф этиб, бу жаҳон ҳамжамиятида ижобий фикрларнинг шаклланишига сабаб бўлаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Литванинг асосий глобал ҳамда минтақавий муаммолар юзасидан қарашлари ўхшашигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон билан жуда яхши ижобий муносабатларни ўрнатганмииз, — деди Литва Республикаси таъкидлаш бўлими мудири Линас Линкявичюс. — Икки томонлама ҳамкорлик изчил жалдлашмоқда. Айна пайтда давлатларнинг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, бизнес интеграциясини фаоллаштириш, янги соҳаларни ўзлаштириш жуда муҳим. Бунда, айтишим мумкинки, мамлакатларимиз парламентлари алоҳида ўрин тутади.

Литва Республикаси делегацияси ташриф чоғида Ташқи ишлар, Ташқи савдо, Қишлоқ ҳўжалиги вазирликлари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасида учрашувлар, шунингдек, икки давлат ишбилармон доиралари вакилларининг давра суҳбатида иштирок этди.

Долзарб қонун лойиҳалари — муҳокамада

Қонунларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ ва пухта тайёрланишига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш парламентнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, мукаммал қонунлар, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, мамлакатни изчил тараққий топтириш, иқтисодий барқарорликни кафолатлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида бир қатор қонун лойиҳалари ушбу жиҳатларга асосий эътибор қаратилган ҳолда муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси йиғилишида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ҳақдорлик билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимининг жорий этилгани, шунингдек, ушбу лавозимда иш юритадиганларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби сақлаб қолингани назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур ҳужжат хотин-қизлар, оилалар билан фаол иш олиб бораётган, хонадонлар осовишталлиги, тотувлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган мутахассислар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилади.

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг яқиндан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг ҳуқуқий мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Мунозараларда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари фаол иштирок этгани ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан масъул қўмитага бир қатор таклифлар берилгани билдирилди. Хусусан, вакилнинг энг асосий вазифаси сифатида Олий Мажлис палаталари билан Вазирлар Маҳкамасининг қонун ижодкорлиги ҳамда қонунлар ижросида парламент назоратини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлигини таъминлаш ва мазкур жараёнда Ҳукумат таркибига кирувчи вазирлик ҳамда қўмиталар билан ишларни мувофиқлаштириш каби масалаларга оидинлик киритиш каби таклифлари қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Йиғилишларда, шунингдек, «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам муфассал кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракцияларнинг позицияси белгилаб олинди.

Зиёда АШУРОВА.

Халқаро Канн кинофестивалида «Ўзбекистон» павильони очилди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу пайтгача халқаро анжуманларда миллий кадриятлар ва аъналоларнинг қўшимча рақамини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг ҳуқуқий мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда. Мунозараларда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари фаол иштирок этгани ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан масъул қўмитага бир қатор таклифлар берилгани билдирилди. Хусусан, вакилнинг энг асосий вазифаси сифатида Олий Мажлис палаталари билан Вазирлар Маҳкамасининг қонун ижодкорлиги ҳамда қонунлар ижросида парламент назоратини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлигини таъминлаш ва мазкур жараёнда Ҳукумат таркибига кирувчи вазирлик ҳамда қўмиталар билан ишларни мувофиқлаштириш каби масалаларга оидинлик киритиш каби таклифлари қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

табиатини акс эттирувчи киножурналлар ҳамда бошқа тарқатма материаллар хорижий киносаноати вакилларини эътиборсиз қолдирмапти, — дейди Ёш киноижодкорлар кенгаши раиси Ойбек Абдушукуров шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида. — Бундан ташқари, япониялик киноижодкорлар ҳамкорлигида Тошкент ва Жиззахда суратга олинган «Dragonhead», Эрон ҳамда Россия киноижодкорлари томонидан Бухорода тасвирга туширилган «Omig Khauuam», шунингдек, рус кинорежиссёрларининг Хоразмда суратга олинган кўплаб кинокартиналари ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Қолаверса, ёш киноижодкорларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан уюштирилган ва бу йилдан эътиборан халқаро статусга эга бўлган «PROlogue» қисқа метражли фильмлар фестивали тақдими ҳам ўтказилапти. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, нафақат юртимиз кино сәнъати, балки сайёҳлик салохиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

— Тарихий-меъморий обидаларимиз, юртимиз

Будапешт шаҳри мэри:

«БУХОРО БИЗНИ БУТКУЛ МАФТУН ЭТДИ»

Будапешт шаҳри мэри Иштван Тарлош бошчилигидаги Венгрия делегацияси Бухоро вилоятида бўлди.

Будапешт шаҳри делегацияси билан учрашувда Бухоро вилояти ҳокими У. Барноев вилоятда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб берди.

2500 йилдан зиёд тарихга эга Бухоро шаҳри Шарқ гавҳари сифатида бутун дунёга машҳур. Қадимий кент бетакрор тарихий обидалари, улкан туризм салоҳияти билан хорижликларни тобора ўзига жалб этмоқда. Бу ерга дунёнинг турли мамлакатлари, жумладан, Венгриядан келаятган сайёҳлар сони охиб бораётган.

Делегация аъзолари Бухоронинг тарихий масканлари ва бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилди. Қўхна обидалар, уларга ёндош замонавий ишоотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Бухоро ҳақида кўп эшитганман, — дейди Иштван Тарлош. — Бу ерда кўрганларим ўқиган ва эшитганларимдан зиёда экан.

Аҳодларингиз даҳосидан гувоҳлик бериб турган меъморий ёдгорликлар ўзига хослиги, ҳар бир нақшида жозоба ва сехр мужасамлиги билан эътиборни тортади. Бухорога илк келишимиз. Лекин бу саёҳат бизни мафтун этди. Чиги, барчамиз ҳайратдамиз.

Ташриф давомида Будапешт ва Бухоро шаҳарлари ўртасида маданий алоқаларни йўлга қўйиш, туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмонлар сафари маданий танишув ва зифасини ҳам ўтади. Делегация таркибидagi “Эрдафу” ансамбли бухоролик санъат шинавандалари олдида чиқиш қилди. Бухоро мақоми дурдоналари, фольклор-этнографик кўшиқлар венгрияликларда катта таассурот қолдирди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Янги қонун лойиҳалари

Экстремизмга қарши курашиш — давр талаби

Айни пайтда дунёнинг турли минтақаларида халқаро терроризм ва экстремизмнинг янги таҳдидлари пайдо бўлаётгани бу борадаги профилактик фаолиятни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг биринчи даражали вазифаси сифатида янада кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу маънода, хавфсизликка таҳдид солувчи вазиятларни бартараф қилишга йўналтирилган тизимли сайёҳ-ҳаракатлар доирасида Ўзбекистонда экстремизм таҳдидининг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда бартараф этишга қаратилган қонунларни қабул қилиш бўйича ишлар олиб борилаётгани мазкур мақсадларга хизмат қилади.

Молдова, Россия, Беларусь, Қозоғистон ҳамда бошқа давлатларнинг қонунчилиги қиссий ўрганилган.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши, энг аввало, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга, конституциявий тузумни ҳамда давлатнинг ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлар ва конфессиялараро тотувлиқни сақлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, экстремистик ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга, шунингдек, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш ҳамда умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларни амалга оширишга қўмақлашади.

Шу кунларда парламент қўйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳасини экспертилар ва мутахассислар иштирокида биринчи ўқишда концептуал кўриб чиқиш учун тайёрларлик ишлари олиб борилаётгани бунга яққол мисолдир.

Президентимизнинг 2017 йил 15 июндаги тегишли фармойиши ижросини таъминлаш доирасида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик таъбибуви ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига киритилган.

Қайд этиш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси экстремистик фаолиятга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий вазифалари экстремистик ҳаракатлардан шахс, жамият ҳамда давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаро-

ларнинг тинчлиги, миллатлараро ҳамда конфессиялараро тотувлиқни сақлаш ҳисобланади.

Қонун лойиҳасида “экстремистик фаолият” (“экстремизм”), “экстремист”, “экстремизмин молиялаштириш”, “экстремистик материал” тушунчаларига аниқ таъриф бериш, экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари ва йўналишларини белгилаш кўзда тутилмоқда, экстремизмга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ҳамда амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари ифодаланаяпти. Экстремистик материалларнинг айланishi, шунингдек, экстремизмин молиялаштиришга йўл қўймаслик каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган.

Уни ишлаб чиқишда экстремистик ҳаракатлар учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари назарда тутилган АҚШ, Дания, Германия, Нидерландия, Франция каби мамлакатлар тажрибаси ҳар томонлама таҳлил этилган, экстремизмга қарши курашиш тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур ҳужжатда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам экстремизм ҳамда терроризмга қарши курашиш борасидаги профилактик тадбирларининг аҳамияти оширилмоқда. Айниқса, ёт гоёлар, ҳозирги замон таҳдидларига қарши самарали курашишни ташкил этиш, ёшларни дин ниқобидаги мафкуравий хавфлардан сақлаш ва бошқа долзарб масалаларнинг ҳуқуқий тартиб-қоидаларини таъминлашга қўмақлашади.

Ақмал РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Демократик ва очиқ мулоқот майдони яратилади

Президентимизнинг 2018 йил 4 майда қабул қилган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонини давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасига қурилган кўприк ҳамда уларни яққола қиладиган демократия дарсонаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Фармон нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тартибга солувчи қонун нормаларидаги бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, эскирган ортиқча бюрократик талаблар ҳамда говларни бартараф қилишга қаратилгани билан гоят аҳамиятлидир.

Сенатор мушоҳадаси

Фармонда бу борада тилимизнинг учда турган муаммолар, фаолиятнинг самарадорлига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар кескин танқидий таҳлил этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Кўпдан буён нодавлат нотижорат ташкилотлари билан мутасадди давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарасизлиги, мулоқот майдонининг шаффоф эмаслиги намоён бўлиб қолаётган эди.

Президентимиз ушбу Фармон билан бу борадаги кўпбал муаммо ва тўсиқларга чек қўйиш бўйича муҳим вазифаларни олдимишга белгилаб берди. Мазкур ҳужжат сўзсиз давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама тараққий топтиришга қаратилган сайёҳ-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демокра-

тик ҳамда очиқ-ошкоравийликка майдон яратади. Фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвиқлантираётган долзарб масалаларни муҳофаза қилиш орқали жамиятда эркин фикр, фаол фуқаролик позицияси, эртанги буюк келажакка ишончини мустаҳкамлашга имкон туғдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ташкил этилган Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб боради, уни ташкилий жиҳатдан таъминлаш эса Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Фармонда нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдор-

да белгилангани, Жамоат фонди маъмурий харажатларининг йиллик умумий суммаси фондининг барча харажати суммасининг 30 фоизидан (амалда 20 фоизни ташкил этарди) ошмаслиги, пенсионерларга пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда тўлиқ тўламини белгилаб қўйилди. Қубонарлиси, ҳужжат билан халқ депутатлари вилоят Кенгашилари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил этиш ва 2019 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилиши юзасидан ҳокимликларга аниқ вазифалар қўйилди. Энг асосийси, энди нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари имтиёзли асосда ўз биноларига эга бўлади. Яъни жойларда бўш ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизини “Нодавлат нотижорат ташкилотлари йўлари” ташкил қилинади ҳамда уларга нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг “ноль” ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш назарда тутилган. Шу билан бирга, Фармон маффаатдор вазирлик ва идораларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул тайинлаши, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний

манфаатларини таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувини қўллаш амалиётини ташкил этиш, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис қилиш таклифи киритилгани, рағбатлантириш борасидаги ва бошқа қатор имтиёзлар жамиятимизда катта имконият, салоҳиятга эга бўлган фуқаролик жамияти институтларининг янада мустаҳкам ривожига истиқбол эшикларини очди.

Президентимиз бугун олдимишга фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари олий даражада таъминланган, инсон қадрли олий кадриятга айланган, адолатли, одамларни рози қиладиган янги жамият қуришни юксак мақсад сифатида қўйди. Ақдодларимиз орзу этган бундай жамиятни барпо қилиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамжихатликда, қўлни-қўлга берсак, ижтимоий шерикликда ҳамқадм бўлсак, қўзланган мақсадларга, албатта, етишамиз. Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони бунда мустаҳкам ҳуқуқий асос, ўзбекона демократия дарсонаси бўлиб хизмат қилади.

Энахон СИДИҚОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик жамоат комиссияси раиси.

Ҳамкорлик

Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилди

Транспорт йўллари ривожлантириш, сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатиш Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Икки давлат пойтахт шаҳарлари ўртасида йўлга қўйилган мазкур автобус қатнови эса соҳада олиб борилаётган изчил ислохотларнинг яна бир амалий натижаси бўлди.

Ушбу қатнов Ўзбекистон ва Қирғизистон пойтахтларидан қарама-қарши тарзда амалга

оширилади. Яъни Тошкент шаҳридаги “Тошкент” автовокзалидан соат 19:00 да, ўз навбати-

да, Бишкек шаҳридаги “Шарқий” автовокзалдан соат 22:00 да автобуслар йўлга чиқади. Мутасаддиларнинг айтишича, йўловчилар оқимига қараб, келгусида қатновлар сони кўпайтирилади.

— Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг икки йирик шаҳри ўртасида очилган автобус йўналиши ҳар томонлама қулай, — дейди Тошкентдан ташуварлари амалга оширувчи “Mironshox Grand Trans” масъули чекланган жамияти раҳбари Саидазиз Тасходжаев. — У йўловчиларга қўшиқчи давлатга тез ва осон етиб бориш имконини беради. Нега деганда, қатнов учун энг мақбул йўналиш танланган бўлиб, унинг узунлиги 601 километрге тенг. Мазкур масофа ўртача 12 соату 40 дақиқада босиб ўтилади. Қолаверса, автобус чегарадан махсус йўлак орқали ўтадики, бу божхона ҳамда чегара назорати чоғида 30 дақиқадан кўп вақтни олмайди.

Юртимиз автоташувчилари билан Қирғизистоннинг “Транс Союз-Азия” акциядорлик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзоланган. Унга кўра, қўшни давлат ҳудудида автобусларни техник, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва бошқа хизматлар ушбу корхона томонидан кўрсатилади.

Дастлабки автобуслар ҳаракатланиши олдидан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар ушбу янги қатнов халқларимиз ўртасида кўп асрлар давомида шаклланган дўстлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Зеро, бу транспорт хизматлари кўрсатиш борасидаги муҳим қадам бўлиб, ташкилотчиларнинг айтишича, яқин вақт ичида Тошкент ва Бишкек ўртасида ҳам автобус қатновлари йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

Дунё нигоҳи

«МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ВА КУТИЛМАГАН ҚАРОР»

Халқаро ташкилотлар, экспертлар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги натижаларга ана шундай баҳо беришмоқда.

Куни кеча жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида судланувчилар Бобомурод Абдуллаев, Равшан Салаев, Шавкат Оллоёров ва Хаётхон Насреддиновга Нисбатан жиноят ишини кўриб чиқиш бўйича суд жараёни якунланди. Суднинг барча мажлисида нафақат маҳаллий, балки хорижлик журналистлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ҳеч қандай тўсиқларсиз қатнашиб, жараёни ошқорга ҳамда ҳолис кузатиб борди. Ўз навбатида, воқеалар ривожини Ўзбекистон ва чет эл оммавий ахборот воситалари, интернет сайтларида батафсил ёритилди, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди.

Бинобарин, суд иши демократик қонунлар ҳамда инсонпарварлик принциплари қатъий риоя этилган ҳолда ниҳосияга етди. Жумладан, суд жиноят иши материалларини ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиққан ҳолда, Б. Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддаси 3-қисми “б” бандида кўзда тутилган жиноятни содир этишда айбдор, деб топди ҳамда Жиноят кодексининг 57-моддаси (енгилроқ жазо тайинлаш)ни қўллади. Яъни унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шунингдек, Б. Абдуллаев ҳибсда 221 кун сақлангани эътиборга олинди. Қолганлар эса бу борада айбсиз, деб топилди, оқланди. Судланувчиларнинг барчаси суд залидан озодликка чиқарилди.

Шу кунларда хорижлик экспертлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари мазкур суд процессида очиклик ҳамда адолат тамо-

йиллари таъминлангани ҳақида фикр билдиришар экан, бу Ўзбекистонда сўнгги йилларда барча жаҳа қатори суд, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини қарор топтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар самараси эканлигини айтишмоқда.

Хусусан, Швейцарияда Фуқаро эркинликлари ҳимоячилари ташкилоти, Франциядаги Марказий Осёда Инсон ҳуқуқлари уюшмаси, Бельгияда Инсон ҳуқуқлари учун халқаро ҳамкорлик ташкилоти Б. Абдуллаев ва унинг шериклари озод этилганини олқишлаган ҳамда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича ислохотлар жадаллашаваришига умид билдирган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Матбуот эркинлиги бўйича вакили Харлем Десир ҳам бу жуда муҳим ҳодиса эканлигини баён қилган.

“Amnesty International” ташкилоти суднинг Бобомурод Абдуллаевни озод

этиш қарорини ўзбек журналистларига умид беришини таъкидлаган.

“Америка овози” телерадиоси шарҳловчиси Навбахор Имомованинг ёзишича, АҚШ ҳамда Европа иттифоқидаги халқаро ҳуқуқ ташкилотлари Ўзбекистонда конституциявий тузумга қарши жиноятларда айбонган икки журналист ва икки тадбиркор суд залидан озод қилинганини “тарихий воқеа”, дея баҳоламоқда. Суд жараёнининг бошидан оқик кенгаши, айбланувчилар диққат билан тинглангани, буларни Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам еритганлиги, масала ижтимоий тармоқларда ҳамда жамоатчилик орасида кенг муҳокама этилганини утган бир ярим йил мобайнида Ўзбекистонда олиб бориладиган изчил ислохотлар самараси сифатида қабул қилинапти.

Ўзбекистонда деярли чорак аср мобайнида конституциявий тузумга қарши ҳаракатда айбонган инсонлар аксарият ҳолларда оғир жазоларга маҳкум этилгани, маҳкама ёпиқ кечиб, жараён билан боғлиқ саволлар жавобсиз қолган, айблов асоссиз экани ҳақидаги иддаолар тингланмагани, апелляция тартибиде кўриб чиқилганда ҳам ҳукм ўзгармаганини ҳисобга олсак, Б. Абдуллаев ва унинг шериклари иши ооздлик билан якун топгани кутилмаган янгилидир.

Тошкентда ҳамманнинг эътиборида турган жиноий иш ижобий якун топгани Шавкат Мирзиёевни Фарб назарида реал ислохотлар қилаётган ва мамлакатини янги йўлдан олиб бораётган раҳбар сифатида кўрсатади.

Ўзбекистон ақинда АҚШнинг инсон

ҳуқуқлари ҳақидаги йиллик ҳисоботида тарихда илк бор ижобий ўзгаришлар юз бераётган давлат сифатида тилга олинди.

“Human Rights Watch” халқаро ташкилотининг Ўзбекистон бўйича вакили Стив Свёрдлов судланувчиларнинг озод этилишини “Мисли кўрилмаган ва кутилмаган қарор”, деб баҳолади.

С. Свёрдлов бундан аввалроқ “Америка овози”га берган интервьюсида бу суд иши бутун Ўзбекистон жамияти учун муҳим бир синовлигини таъкидлаб ўтганди. У маҳаллий интернет нашрлари нозик масалалар муҳокама қилинаётган мазкур жараёни кузатиб, уни ёритаётгани тахсисга сазоворлигини қайд этиб ўтди: “Айбланувчиларнинг гапларини бемалол эшитаёلمиз. Йиллар олдин биз бундай ҳолатларга гувоҳ бўламиз, деб хаёлга ҳам келтирмаган эдик. Очиқ суд, очик муҳокама. Қўноқлар ҳақида ҳам очик гаплар янгради”.

С. Свёрдлов Ўзбекистон ҳукумати ҳамда “ННВ” ўртасидаги мулоқот кенгайгани ва чуқурлашганига ҳам урғу берди: “Танқидимизни эшитишяпти. Фикр алмашаяпти. Бир-биримизни тинглаёмиз. Очиқ тадбирлар ўтказиш, уларда танқидий материаллар билан танилган фаоллар ҳамда журналистлар қатнашиши учун шароит зарурлиги ҳақида гаплашмоқдамиз. Ҳуқуқбузарлик, қонунбузарлик ҳоллари тўғрисида эркин мулоқот қилиш учун замин яратилиши кутилмоқда. Ислохот ўтмишини таҳлил этиб, хатолардан ўрганиш демакдир. Шу боис ҳам ҳозирги мулоқотимиз умид бағишлайди”.

“The Diplomat” онлайн журнали бошқарувчи муҳаррири Катерин Пуцц ўз наҳрида Ўзбекистонда шу каби ишлар билан боғлиқ суд жараёни таниш эканлиги, лекин унинг натижалари кутилмаган бўлганини очик тан олган.

“Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига келиши билан Ўзбекистонда умидли ислохотларни бошлади, — дейди у. — Бунга ҳуқуқ ҳимоячилари ва минтақавий кузатувчилар қатори мен ҳам — барчамиз Абдуллаев ишида яна бир бор гувоҳ бўлдим”.

Журналист Президент Шавкат Мирзиёев ўз ислохотлар дастурини яратишда Ўзбекистон қўшнилари ҳамда халқаро ҳамкорлари билан алоқаларини кенгайтириш, минтақанинг инвестициявий салоҳиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этган. Қолаверса, К. Пуцц мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган сайёҳ-ҳаракатларга ҳам ўз нуқтани назарини билдириб ўтган: “Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан, шубҳасиз, ижобий қадамлар ташланмоқда. Сиёсий маҳбусларни озод қилиш дейсизми, қўноқларга чек қўйишни ёки мамлакатда “Human Rights Watch” ташкилоти фаолият юритиши учун рўхсат бериш ёхуд Б. Абдуллаев ишини кўришда очиклиқни таъминлаш — барчасида сайёҳ-ҳаракатлар қатъийлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин”.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» танловига марҳамат!

Хурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни “Йилнинг энг фаол журналисти” танловига қатнашишга таклиф этади. Танловга 2017 йилнинг 1 июнидан 2018 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиозахиратлар қабул қилинади. Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қоралқоплогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифининг иш жойи, телефони, манзил ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

“Йилнинг энг фаол журналисти” танлови гоилиблари ва совиридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар “Йилнинг энг фаол журналисти” танловига, деб қўрсатилган ҳолда қўйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: (0-371) 244-64-61, 244-37-87. www.journalist.uz

ҲАЁТИМИЗГА ФАЙЗ ВА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ КЕЛАЁТГАНИГИЗ БИЗ УЧУН БЕБАҲО БОЙЛИК, КАТТА ДАВЛАТДИР

✓ Иккинчи жаҳон урушига 6,5 миллионлик Ўзбекистон аҳолисининг 1,5 миллиондан ортиги сафарбар қилинган. Уларнинг 500 мингдан зиёди жанг майдонларида ҳалок бўлган.

✓ Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга бир миллионга яқин оила ва болалар кўчирилган.

✓ Уруш йиллари юртимиз аҳолиси томонидан мудофаа жамғармасига 649,9 миллион сўм нақд пул, 4 миллиард 226 миллион сўмлик зоём, 52,9 килограмм олтин ҳамда қумуш топширилган.

Кўзларда қалққан севинч ёшлари

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудидида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Тадбирларда уруш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан табрик хатлари, тилла суви юритилган кўл соатлари ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилмоқда.

КОРАКАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Жўкорги Кенгеси Раиси М. Ерниязов Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонларида бўлиб, уларга байрам совғалари улашди.

Хусусан, Халқлар дўстлиги маҳалласида яшаётган уруш ва меҳнат фахрийси Нурулла Абдуллаевни айём билан қизгин муоборакбод этди.

— Биз, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган бундай эҳтиром учун мингдан-миг ташаккур билдираемиз, — дейди отахон. — Ҳеч қачон уруш бўлмасин! Фарзандларимиз ҳозирдек тинч ва фаровон турмуш кечирсин. Юртимиз гуллаб-яшнаверсин!

М. Ерниязов шаҳардаги Абдулла Қодирий кўчасида яшовчи уруш фахрийси Қодирбой Нарманов хонадонидида ҳам бўлиб, унга Президентимизнинг эсдалик совғаси ҳамда пул мукофоти тинчлик тантанали равишда тақдим этди.

АНДИЖОН ШАХРИДА Жоме меъморий мажмуасига ташриф буюрган нурунийларни вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов Президентимиз номидан кутлар экан, уларнинг ҳар бирини 5 миллион сўм миқдоридида пул мукофоти ва қимматбаҳо соат билан тақдирлади. Дастурхон атрофида жамулжам бўлган уруш қатнашчилари ўз хотиралари билан

ўртоқлашдилар, давлатимиз томонидан уруш фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликни алоҳида эътироф этдилар.

— Бизга эътибор ҳар доимгидан юксак, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Олимжон ота Комилов. — Ҳам моддий, ҳам маънавий кўмакдан баҳраманд бўлмоқдамиз. Ўтган йили имтиёзли асосда автомашина харид қилдик, Ҳаж зиёратидида бўлдик. Бу йил Президентимиз йўллаган табрикни ўқиб, кўзимга ёш қалқди. Қўлимдаги соатга қарар эканман, вақт нечоғли югурик эканлигига амин бўлдим. Бахтиёрман. Беҳад миннатдорман.

Бундай тадбирлар уруш қатнашчилари хонадонларида ҳам бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, Иккинчи жаҳон урушига Андижон вилоятидан 97 минг 500 нафар фуқаро жалб қилинган бўлиб, шулардан 57 минг нафари оиласи даврасига қайтган. Айни пайтда уларнинг 63 нафари умргузаронлик қилмоқда. Шу кунгача давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уларнинг икки нафарига кўп қаватли уйлардан икки хонали турароҳ ажратилди. 3 нафарининг хонадонини таъмирдан чиқарилди ва 18 нафарига Ҳаж зиёратига бепул бориб-келиш учун йўлланмалар берилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ва шаҳар ҳокимликлари, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, уларга давлатимиз раҳбари номидан пул мукофоти, табрик хати ва совғалар топширди.

Самарқанд шаҳридаги Намозгоҳ маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 94 ёшли Абдулла Каримовнинг хонадонидида бўлиб ўтган ана шундай тадбир нафақат отахонни, балки унинг хонадонига ташриф буюрган фарзандлари, неварачеваралари, маҳалла аҳлини жуда хурсанд қилди.

— Бугун юртимизда ҳар бир инсон қадр топмоқда, — дейди Абдулла ота. — Бунини айни дамда биз, кексаларни эъзозлаб улоштирилаётган мана шундай тадбирлардан ҳам англаш мумкин. Урушдан қайтгач, мактабларда ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бердим. Доим эъзоздамиз. Шундай дориламон кунларга етказганига шукр. Ёшларимиз бу кунларнинг қадрига етиб яшاشи лозим.

Самарқанд ҳарбий гарнизони оркестри томонидан ҳарбий куй-қўшиқлар ижро этилди. Ўқувчи-ёшлар отахонни байрам билан табриклади.

“Нуруний” жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими маълумотларига кўра, Президентимиз Фармонига кўра, жорий йилда самарқандлик 97 нафар уруш қатнашчисига ана шундай эътибор ва эъзоз кўрсатилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, Саминжон ҲУСАНОВ, Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.



Собир Раҳимов ҳайкали пойи гулларга бурканди

Олмасор туманидаги аввалги жойига қайтарилган Собир Раҳимов ҳайкали пойига пойтахт аҳолиси, ҳарбий хизматчилар, фахрийлар, ёшлар гулчамбарлар қўйишди.

— Элу юртга қилинган хизмат ҳеч қачон унутилмайди, — дейди Куролли Кунлар академияси бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Ҳамид Дадабоев. — Генерал Собир Раҳимов ҳаёти бунга мисол бўла олади.

Шойим БЎТАЕВ. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Сурур

Халқимизнинг эътибори, Президентимизнинг ғамхўрлиги бизни ҳамisha ҳаётга руҳлантириб туради. Бугунги осойишта кунларда хизматларимиз борлигидан гурурланиб юрамиз.

Одаимийлик намунаси

Урушда алоқачи бўлиб, Австрия остонасига қадр бўлган жангларда қатнашдим. Оловли жангларда қанчадан-қанча сафдошларимизнинг жисми қолиб кетди. Халқимиз уларнинг хотирасини доимо эъзозлаши, урушдан омон қайтганларга эҳтиром кўрсатиши эса юксак одаимийлик намунасидир. Бу йил ҳам байрам

арафасида Юртбошимизнинг пул мукофоти, табрик хати ва қимматли совғасини олиб, урушнинг қалбимизда қолдирган жароҳатларни битгандай, дардларимиз аригандек бўлди. Жуда хурсандимиз.

Ғалина ЖУРАВЛЁВА, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Самарқанд шаҳри

Унутилмас тухфа

Халқимизнинг инсонпарварлик хислатларини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Доимо давраларнинг тўрида, иззат-икромдамиз. Жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси сифатида давлатимиз раҳбарининг қимматбаҳо совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланаямиз.

Бу йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан Президентимизнинг шахсан ўзи табрик йўллагани, пул билан бирга, қимматбаҳо соат юборгани биз, фахрийлар учун унутилмас тухфа бўлди. Бугунги тинч-тотув кунларда бизларнинг ҳам ҳиссамиз борлигини яна бир бор англадик ва ҳамisha эътиборда эканлигимиздан чекиз гурурландик.

Павел МАТЕРИКОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкент шаҳри

Ер юзида тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин

Юртимизда биз, кексаларга, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнунмиз.

Уруш йилларининг азоби, очарчилик даҳшатини кўриб, авлодларимиз тақдирини ҳеч қачон бундай кунлар тақдорланмасин. Шукрлар бўлсинки, бугун Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Мамлакатимиздаги ўзгартишлар, ҳар жабҳадаги янгиланишлардан

кўнгли тоғдек кўтарилади. Илоҳим, ер юзида тинчлик-фаровонлик, меҳр-муҳаббат ва эзгулик ҳукмрон бўлсин.

Жобберган КАЛАНДАРОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Урганч шаҳри

Осойишталик меваси



— Беш йиллик ҳарбий хизматимнинг уч йили жангларда кечди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳим бобо Эргашев. — Шу давр ичиди уйдан учта олдим. Бугун умримда яна шундай қутлуғ мактублардан бири қўлимга тегди. Президентимизнинг мактуби кучимга куч, кўзларимга нур бағишлади.

Раҳим бобо мамлакатимиз раҳбарининг отахонга йўллаган табрик мактубини қўлига олади. Уни ва 5 миллион сўм миқдоридидаги бир марталик пул мукофотини ҳозиргина вилоят ҳокими тантанали равишда топшириб, қўлига олтин соатни тақиб қўйди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш

тўғрисида”ги Фармони асосида тақдим этилган Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги “Ўзбекистон” ҳамда республикамиз ҳудудидаги санаторийлардан бирида бир нафар кузатувчи ҳамроҳлигида бепул дам олиш имконияти бўйича отахоннинг қарори билан қизқидилар.

— Ўзимиздаги санаторийга бормоқчиман, — дейди Раҳим бобо. —

Карманда комбинатимизнинг ажойиб сихатгоҳи бор. Қурилишида ўзим қатнашганман. Насиб этса, кунлар яна бир оз исисин, ният қилиб турибмиз.

Отахон асли Карманнинг Арғун маҳалласидан. Бугун Навоий шаҳрида Навоий давлат қончилик институтининг янгидан қурилган биноси ортда кун сайин кенгайиб бораётган мавзеда истиқомат қилади.

— 1942 йил Кармандан эллик йигит жўнадик, — дея эслайди отахон. Қосим Шайхдан то вокзалгача, мана шу ерлар ҳам янтоқзор, очик яланглар эди. Тош йўлдан станциягача пиёда келганмиз. Шу кетган эллик йигитдан 24 нафаримиз қайтдик. Сафдошларимнинг асосий қисми Курск остонасидида жангларда ҳалок бўлди. Ҳозир икки киши қолганмиз. Минг шукр, мана шу кунларга етдик.

Хизматдан қайтгач, Раҳим Эргашев курувчи бўлиб ишлади. Навоий шаҳридаги кўплаб бино ва иншоотларнинг қурилишларида иштирок этди. Икки ўғил ва икки қизни воёга етказиб, уйли-жойли қилди. Табиийки, буларнинг барчаси — тинчлик ва осойишталикнинг меваси. Уни таъминлашда бевосита қатнашгани, фидойилик кўрсатгани, ҳисса қўшгани ва муҳими, бугун бу жасорати муносиб эъзозланаётганидан бениҳоя мамнун.

Темур ЭШБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Азамат ЗАРИПОВ олган сурат.

«Бу кунларнинг баҳоси йўқ»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, Бешқўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи отахонни йўқлаб борганимизда, “Маҳалла” ва “Нуруний” жамғармаларининг туман бўлимига мутасаддилари ҳам шу ерда экан. Улар отахонга Юртбошимиз совғаси — тилла суви юритилган соат ва беш миллион сўм пул мукофотини тақдим этишди. Низом ота бу эътибор ва ғамхўрликдан болаларча шодланди, соат тақилган кўлини кўтарганча: “Ярашми-ми?” деб сўрайди. Бунга жавобан эса ҳаммадан олдин у кишининг ёнида эркаланиб ўтирган олти ёшли эвараси Диёра: “Ярашди, бобожон, ярашди”, дея қийқиради. Ундаги завқ-шаҳқ бошқаларга, айникса, Низом отага ҳам кўчди.

— Айтинлар, шу болажоннинг кулгисидан ортиқ бахт борми бу дунёда? — дейди уруш ва меҳнат фахрийси. — Бизнинг болалигимиз қувончлариз, табасумлариз ўтди. Уруш туйғуларини очарчилик, қаҳатчи-

лик рўй берди. Шу боис тўйларда, давраларда, учрашувларда тинчликни қадрлаш ҳақида гапираман.

15 майда 96 ёшга кирадиган, шундай бўлса-да, кўзойнакчи газет ва китоб ўқийдиган Низом ота Нуриддинов уруш йилларида алоқачи бўлиб хизмат қилганини яхши эслайди. Отахон юртга қайтган, муаллимлик касбини танлади. Қарийб 30 йил мобайнида пойтахтимиздаги 36-мактабда дарс берди. Турмуш ўртоғи Зебо ая билан тўрт ўғил ва тўрт қизни тарбиялаб, воёга етказишди. Отахон бугун юзлаб неваро эвара, чеварлар меҳру муҳаббатидан баҳраманд бўлиб умргузаронлик қилмоқда.

Отахон билан хайрлашар эканмиз, давлатимиз раҳбарига, барча юртдошларимизга саломатлик тилаб дуо қилди. Унинг халоп меҳнат, ўзгаларга яхшилик қилишдек эзгу ишларга бахшида эътибор отахоннинг кўзларида ҳаётдан мамнунлик акс этиб турибди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсонларга руҳий мадад бўлган сатрлар

Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли миллат вакилларидан 14 нафар ота-онасиз қолган болани ўз тарбиясига олган Шомоҳаммадовларга ўрнатилган ҳайкалнинг ўз ўрнига қайтарилиши тарихий адолатнинг қайта тикланишидир. Бу халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Ўзбек миллатининг бағрикенглик, инсонпарварлик, болажонлик хислатларининг ёрқин ифодасини ўзида муҳкам этган ушбу ёдгорлиқнинг тарихий, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий қиммати беқиёс.

Эзгулик

Зеро, оғир дамларда оддий темирчи оиласининг кўрсатган жасорати миллионлаб кишиларни эзгу ишларга ундаган, қалбларда меҳр-оқибат чирокларини ёққан. Кўплаб шоирну эъзувчиларга илҳом берган. Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридида таъкидлаб ўтилганидек, “Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб,

Академик-шоир Фафур Фулом ҳар сафар Тошкент вокзалига чиқиб эвакуация қилинаётган болаларни халқ билан бирга кутиб олганини, бу воқеалардан жуда таъсирланганини ва ушбу ҳаёжонларнинг натижаси ўлароқ “Сен етим эмассан” шеъри яратилганини унинг рафиқаси Мухаррам ая Фуломова хикоя қилиб берганлар: “1941 йилнинг куз ойларида фронт ичкарисидан кексалар, ота-онасиз қолган болалар Тошкентга вагон-вагон келтирилиб бошланди. Болалар келадиган кунлари Фафур ака, албатта, вокзалга чиқардилар. У ерда етим, мурак, нимжон болаларнинг аҳолини кўриб, қаттиқ эзтирбога тушар, юракларини эзилди кетганидан бир неча болани ўз тарбияларига ҳам олмоқчи бўлганлар. 1941 йилнинг июль ойида Яшар исмли 5 ёшли ўғлимиз вафот этган эди. Фафур акага ўғилдек бўлиб қолган ўн етти ёшли Жўраҳон исмли укам урушга кетиб, ҳалок бўлганди. Иккита ўғилларидан кетма-кет ажралиш уларга қаттиқ таъсир қилганди.

Ўзлари ота-онадан ёш етим қолганлари, учта синглисини ота ўрнида ота бўлиб тарбия қилишда моддий-маънавий эзилганлари сабабли етимликнинг оғир фожиаси Фафур Фуломнинг юрагидида ўчмас эди қолдирганди. Етим болаларнинг аянчи аҳоли кўнглиларини поравон қилиб юборар, айникса, вокзалдан қайтганларидан сўнг осойишталигини йўқотиб, бевовта бўлиб юрардилар.

Биз ўша вақтларда пойтахтимизнинг Қорасарой кўчасидида 52-уйда яшардик. Бир кун қарасам, кутубхона-уйнинг чироғи ёқилган, Фафур ака шеър ёзмоқдалар. Секингина салом бериб, ичкарига кирдим. У киши шунчалик ҳаёжонлар билан кетганларидан ҳатто эшик очилганини ҳам, салом берганини ҳам сезмадилар. Астагина тепаларига яқинлашдим. Кўзларида шеър битилган қоғоз билан менга қарадилар. Шеърни аста ўқий бошладим, лекин шеърни охиригача ўқий олмади, йиғлаб юбордим. Чунки битилган сатрлар кишини йиғлатмасдан қўймасди. “Сен етим эмассан” шеъри шу тарихи ёзилган бошланг эди. Шеърни 7 декабрда ёзиб тугатганлар, бироқ уни нашрга беришга шошилмадилар. Негадир кўнглиларни тўлмаётган эди. Шеърни бир неча марта қайта ишладилар. Январ ойининг охирида газета тахририятига олиб бордилар. Шеър 1942 йилнинг 1 февралда “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилиб чиқди.”

Кўп ўтмай ушбу шеър Светлана Сомова таржимасида рус тилида нашр қилинди. Ўзбек халқининг бағрикенглиги инсонпарварлиги, болажонлиги меҳрибонлигини ўзида акс эттирган мазкур шеър тез орада жангдошларда кўлма-кўл бўлиб тарқалиб кетди. “Ўзбек халқи фарзандларимизга меҳрибонлик кўрсатиб, ўз бағрига олаётган экан”, деган юпанч душманга қарши жангга қираётган инсонларга руҳий куч, мадад бўлди.

Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ, Фафур Фулом уй-музеи илмий ходими.



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шаҳар бўйлаб 8000 дан ортиқ автобуслар аҳолига хизмат кўрсатади. Лекин кулай транспорт воситаси фақат бу эмас. Корейлар велосипедда юришни хуш кўришади. Турли оралик масофаларда уларни ижарага берувчи махсус шохобчалар ташкил этилган.

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат

ли охириги бир ярим йилда ушбу мэрия раҳбарияти билан мамлакатимиз, хусусан, пойтахт Тошкент ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил йўлга қўйилди. Корейлар бир неча марта юртимизга ташриф буюришди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 — 24 ноябрь кунлари Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи давомида мазкур мэрия фаолияти билан танишди, шаҳар мэрининг жуда оддий ҳамда кулай, шу билан бирга, “ақлли хона”сини кўздан кечирди. Бундай катта мегаполисни хонадан туриб бошқариш, албатта, ҳаммада қизиқиш уйғотади.

Биз Сеулга келган кунимиз шаҳар мэрияси рўпарасидаги меҳ-

чирмоқчи бўлса, масалан, бир худуддаги қурилиш ишлари қандай кетаётганини билишни истаса, хонасидаги экран орқали яқиндан маълумотга эга бўлади. Бу вақтдан унумли фойдаланишда қўл келади.

Бино тарихи бундай: 1926 йилда унинг ер остидаги тўртта қавати ва ер устидаги бешта қавати бунёд этилган. 2012 йилда эса маъмурият учун янги 18 қаватли бино қурилди. Унинг томларида ўрнатилган қўёш панеллари бинодаги электр энергиясининг 28 фоизини таъминлаб беради. Бинонинг яна бир жиҳати, у кўпгина шаҳар маъмурий идораларига ўхшамайди. Муассасага кираётганингизда бирорта полиция

муаммолар билан муурожаат қилмоқчи бўлса, қўл остидагилар бирор баҳона ёки сабаб билан қаршилиқ кўрсатишмайди?” Саволга жавобдан хайратда қолдим. Кореяликларнинг айтишича, аҳолининг муаммоси раҳбарга етиб бормаслиги учун ходимлар ҳар бир масалани ижобий ҳал этиб қўйишар экан. Шунинг учун одамлар бирор муаммо ёки эътироз билан мэрга камдан-кам ҳолда муурожаат қилишаркан. Бироқ бир масалада мэз ҳеч қачон қаршилиқ кўрсатмас экан. Яъни у билан ким эсдалик учун суратга тушмоқчи бўлса, қўшимчасига мэрдан “селфи” услубда суратга тушиш тақлифини олади.

Кореяликлар давлатнинг халқ олдидаги вазифасини яхши билишлари билан бир қаторда, ўзларининг давлат олдидаги бурч ва масъулиятларини ҳам ҳеч қачон унуттирмайди. Бу солиқ тўлашда, ён-атрофни озода сақлашда, йўл қодаларига риоя қилишда яққол намоёнди. Биз бир воқеага жуда кўп гувоҳ бўлдик. Кўча бум-бўш бўлса-да, одамлар светофорнинг қизил чироғи ёниб турганда йўлдан ўтишмас экан. Ёки яна бир муҳим жиҳат: Сеулда чиқинди соладиган идишлар деярли йўқ. Шунга қарамай, ҳаммаёқ топ-тоза. Бу ҳақда қизиқиб сўраганимизда, сеулликлар чиқиндиларни ён-атрофга ташламай, ўзлари билан олиб кетар экан. Ёки тамаки маҳсулотлари ҳам фақат белгиланган худудларда чекиларкан. Буни биздаги ашаддий кашандалар билиб олсалар, чакки бўлмасди!



МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2017 йил якунлари бўйича давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард АҚШ долларига етди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги мулоқот мунтазамлик касб этган. Юртбошимизнинг 2017 йил 11 — 13 май кунлари мазкур мамлакатга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги бошқича олиб чиқди. Жорий йил март ойда Президентимиз Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга олий лавозимга қайта сайлангани муносабати билан табрик йўллади.

Бугун Ўзбекистон ҳамда Хитой турли лойиҳалар, авваламбор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ қилиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ХХР раҳбарияти томонидан илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокидаги Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркинни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаган.

Ушбу мамлакатнинг бир қатор компаниялари республикамиз ҳудудда углеводород конларини қидириш ва қазиб ишларидеги етиштириладиган махсус контеинердаги барча юмушлар компьютер орқали бошқарилади.

Лойиҳа муаллифларидан бири жаноб Лео Кимдан бундай итироларни амалга ошириш асрори ҳақида сўраганимизда, унинг жавоби ҳаёт ҳақиқатларига жуда яқин бўлди: “Қийинчилик кишини ўйлашга ва ҳаракат қилишга маж-

бوراпти. Мазкур лойиҳа икки ва кўп томонлама алоқалар механизмларини янада мустаҳкамлаган ҳолда, халқаро ҳамкорлик ҳамда тараққиётнинг янги моделларини шакллантириш ва илгари суришни назарда tutади. “Бир макон, бир йўл”да Ўзбекистоннинг иштироки муҳим саналади. Чунки Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз давлатлараро савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни мустаҳкамлашда катта салоҳиятга эга.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ривожига давлатларимиз муҳим ўрин тутди. Маълумки, жорий йилда ШХТга Хитой Халқ Республикаси раислик қилмоқда. Шу боис унинг навбатдаги саммити Циндао шаҳрида бўлиб ўтди.

Айни пайтда ШХТ саммитига қизгин ҳозирлик қилинапти. Булар билан яқиндан танишиш учун ШХТга аъзо мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари ХХРга ташриф буюрди. Хусусан, Ўзбекистондан “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари тахририяти, Россия Федерациясининг “Мир” телеканали, Козогистоннинг “Қазақстан” телеканали ҳамда “Литер” газетаси, Тожикистоннинг марказий “Тоҷикистон” телеканали ва “Авеста” ахборот агентлиги, Қирғизистоннинг “КТРК” корпорацияси вакиллари бир ҳафта давомида Чин юртида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишадилар. Дастурда ШХТ котибиятининг боз қароргоҳига ташриф мутасаддилар билан учрашув, турли департамент вакиллари билан мулоқотлар, Циндао ҳамда Иу шаҳарларига бориш ва бошқа тадбирлар белгиланган.

Сафаримизнинг илк куни 6 май, яқшанбага тўғри келгани учун дастуриймиз очиб бўлди. Бундан унумли фойдаланиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари бир-бирлари билан яқиндан

танишдилар. Бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни билган ҳамкасбларимизнинг барчаси, у хоҳ ижодкор, хоҳ техник ходим бўлсин, юртимиз ҳақида, мамлакатимизда кейинги икки йил давомида олиб борилаётган янгиланишлар хусусида илиқ фикрлар билдиришди. Эзгу сазой-ҳаракатлардан хайрату ҳавасда эканликларини яширишмади.

Хитой деганда кўпчиликнинг хаёлига шу мамлакатнинг ўзига хос рамзларидан бирига айланиб қолган Буюк девор келади. Дунё бўйича сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган мажмуалардан бири ушар айнан шу! Расмий ушарларимиз бошланмасидан олдин барчамиз мазкур улкан мажмуага сафар қилдик. Пекиндан енгил автотомобилда борилса, ўртача бир ярим соатлик йўл экан. Девор, ҳақиқатан ҳам, номига муносибки, охири кунинмайди... Маълумотларга қараганда, у миллоддан аввал III асрда қурила бошланган. Тарихи ҳақида интернетда етарлича материаллар мавжуд. Аммо бир жиҳат диққатимизни тортиди: зиналар бўйлаб кўтарилиб бораётган ишларнинг бири билан, бири паст эканлиги жуда қизиқ. Баъзи жойларда қалтис бурилишлар, тикка тепаликлар ҳам бор. Хитойликларнинг айтишича, ўша пайтларда отлик сувориларнинг девор зиналарга бўйлаб чиқа олмаслиги учун шундай йўл тутилган. Бу ҳам ташқи дундан, хавф-хатардан сақланишда қўл келган. Мажмуага қадам қўйганингизда, Мао Цзэдуннинг “Буюк Хитой дегани чикмаган шахс хитойлик эмас”, деган фикрлари ёзилган катта тошга кўзингиз тушади. Чинликларнинг сўзларига қараганда, бу иқтибосда мардик, матонат, сабуру бардош каби тушунчалар мужассам.

Таассуротларимиз ҳақида навбатдаги материалларимизда кенгрок тўхталамиз.

«КОРЕЯ МЎЪЖИЗАСИ»НИНГ СИРИ НИМАДА?

инновациялар турмуш тарзимизнинг муҳим бўлагига айланганини Корея Республикасида юрган одам чуқур ҳис қилиши табиий. Бу ерда мазкур тармок шу даражада тараққий топганки, ҳаётнинг узвий бир қисмига айланган, гўё. Масалан, кўчаларга ўрнатилган кузатув камераларини олайлик. Маълумотларга кўра, айни пайтда шаҳар бўйлаб 30 мингга камера мавжуд. Улардан 8500 таси фақат машиналар ҳаракатини назорат қилади. Қолганларининг фаолияти аҳоли хавфсизлиги учун йўналтирилган. Дейлик, кўча-кўйда кетаётган одам тўсатдан йиқилиб тушса ва у икки дақиқачага ўрнидан турмаса, қисқа муддатда полиция шу манзилга етиб келади... Бошқа пайтларда йўлда полициячини учратмайсиз... Шаҳар бутунлай камералар ёрдамида синчковлик билан кузатиб борилади.

монхонага жойлашдик. Уч кун давомида шу бинонинг тарихи, ичи ва ён-атрофидаги ҳаёт билан қизиқдим. Сеул мэри Ван Сун Пакнинг ўша замонавий хизмат хонасида ҳам бўлдим. Ишонинг, у жуда содда ҳамда иш юритув нуктаи назаридан демократик усулда жиҳозланган. Бу ерда шундай муҳит яратилганки, ҳар қандай вазифани инновацион тарзда ҳал этиш мумкин. Ишлаш услубида ҳам самимият ва камтарлик кўриниб турибди. Бировга бақирган, дўк-пўписа қилаётган раҳбарни кўрмайсиз — ҳамма ўз ишини билиб бажаради. Бу ерда раҳбар ўта

ёки махсус кийимдаги одамларни учратмайсиз. 13 қаватли бинонинг 49 фойзида маъмурият жойлашган. Қолган қисми халқ ихтиёрида. Бу ерда оддий фуқаролар учун қаҳвахона, кўрғазма заллари, интернет-кутубхона, мажлис ҳамда маросимлар ўтказиладиган заллар мавжуд.

Кореяликлар тарихга ҳурмат билан ёндашишади. Шу сабабли эски бинонинг айрим қисмларини муҳим тарихий экспонат сифатида қолдиришган. Ўша замонларда иморатни тиклашда қанақа гишт, металл иштатилганининг барчасини кўзингиз билан кўришингиз мумкин. Бундан ташқари, шу пайт-

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАР:

● *Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин деярли бир вақтда Президентлик фаолиятларини бошлаган;*

● *икки мамлакат раҳбарлари ишлаш услуби, феъл-атвори ҳамда халқчил сиёсати билан бир-бирига ўхшайди;*

● *Президент Шавкат Мирзиёев “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деб эълон қилган, Корея Республикаси давлатининг асосий тамойилларидан бири “Мамлакат халқ учун” шиоридир;*

● *2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси 5 йўналишдан иборат бўлганидек, Жанубий Кореяда ҳам мамлакатни ривожлантириш сиёсий концепцияси 5 та йўналишни қамраб олган;*

● *икки давлат раҳбарларининг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатларимизнинг жаҳон ҳамжамиятида мавқеи ошишига хизмат қилаяпти.*

Муваффақият калити

Корейлар жуда меҳнатқаш халқ. Касбига доимо меҳр-муҳаббат билан ёндашади. Шундан келиб чиқибми, бу ерда иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатга ҳавас қилса арзийди. Ташкилот ҳамда хизматчи ўртасида, аввало, ўзаро ҳурмат устуворлик қилади. Мисол учун, Жанубий Кореянинг йирик компанияларидан бири — “Daewoo Shipbuilding & Marine Engineering”нинг бош шиори “Ишонч ва муҳаббат” деб аталиб, бу икки томонлама муносабатнинг муҳим шarti сифатида қабул қилинган. Яъни ходимга нисбатан ишонч ҳамда унинг ишга, касбига бўлган муҳаббати ифодасидир. Мана шу ёндашувни “Кўплаб фирма ва корхоналар муваффақиятининг калити”, дейиш мумкин. Назаримизда, “Корейс мўъжизаси” деган ўзига хос баҳонинг асл моҳиятини шу нукталардан изласак, тўғрироқ бўлади. Демак, бизда ҳам бундай корпоратив қадриятлар тизими ҳамда фалсафасини яратиш пайти келди.

Қолаверса, вақт — улар учун энг қиммат нарса. Ишхоналарда бекор турган дастгоҳ ёки мудраб ўтирган ишини учратмайсиз. Кореяликлар эрталаб соат 8:30 да ишда бўлишади. Ҳар бирининг ўз вазифаси бор. “Мен чарчадим, кўп ишлаб юбордим”, деган гапни улар деярли тилга олишмайди. Тушлик вақти яқинлашганида аччиқ қаҳва ичишади. Айтишларича, бу ишга иштиёқни оширар экан. Умуман, кун давомида улар уч марта қаҳва истеъмол қилишади...

Мутулаага иштиёқ кучли

Мутулаа — корейс жамиятида бизни хайратга солган ҳодисаларнинг бири бўлди. Кўча-кўйда китоб ўқиётган ёхуд газета варақлаётган маҳаллий аҳоли вакиллари, айниқса, турли гаджет ва қўл телефонларидан фойдаланиб, мутулаа қилаётган ёшлар кўп учрайди. Уларнинг ўзлари бу маданиятни XV асрда Кореяни бошқарган қирол Сежон номи билан боғлашади. Маълумотларда келтирилишича, буюк қирол бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, ўз халқига янги, содда алифбони жорий этган. Уларни ёзиш ҳамда ўқишга ўргатиб, саводли бўлишларига астойдил курашган ва бунга эришган.

Шу боис мамлакатдаги қирол Сежон хайкали пойи ва остидаги музей ташриф буюрувчилар билан дамий гавжум.

Ҳокимият халқ учун ишлайди

Сеул шаҳри маъмурияти дунёдаги энг самарали бошқарувни ўзида мужассам қилган тузилмалардан бири саналади. Шу сабаб-



расмий услубда кийинсин, деган талабга жоват йўқ. Ҳаммаси хоҳишга яраша, асосан, “casual”, яъни кулай услубда. Мэрия ходимлари ишга хоҳласа оддийгина ва ўзига қулай кийимда келиши, бу ердаги қаҳвахонада мэз билан биргаликда қаҳва ичиши мумкин... Шаҳар раҳбари бу, биринчи навбатда, янгиликка интилувчи менежер, деганидир. Эғнида костюм-шим кийиб олиб, халқдан узилган ҳолда қорғозболикка берилиб, иш юритиш уларга мутлақо беғона.

Мэр хонасида бир томон деворини деярли қоплаб олган катта монитор бор. Ҳоким бутун шаҳардаги ҳақиқий ҳолатни кўчаларга ўрнатилган кузатув камералари орқали кўриб боради. Агар бирор масала юзасидан шаҳарни кўздан ке-

гача шаҳарга раҳбарлик қилган 31 мэз фойдаланган стол-стуллар, креслолар, имзолаган ҳужжатлар, мажлислардан олинган суратлар — барчаси бир жойга жамланган. Бу ўзига ҳос замонавийлик ва тарих туташуви сайёҳларни жалб этишда ҳамда даромадга эга бўлишда қўл келяпти.

Мажмуа “П” шаклида қурилган. Бинонинг бўйи бўйлаб вертикал, яъни пастдан юқорига қараб яратилган боғ “Гиннеснинг рекордлар китоби”га киритилган. Бу ерда 65 мингдан ортиқ ўсимликлар ажиб манзара ҳосил қилган. Хуллас, дунёдаги энг катта осма боғ...

Бинодан чиқиб кетаётганимизда, мезбонларга ўзимни қизиқтирган бир савол билан муурожаат этдим: “Сеул мэрига одамлар турли

бурлайди”. Мана шу гап бутун корейликларнинг руҳиятини ва корейс мўъжизасининг яна бир калитини ифода этди, назаримизда.

Айни пайтда ушбу инновацион лойиҳа “KOICA” томонидан молиялаштириляпти. Маълумотларга кўра, яқин вақт ичида ана шундай “ақлли контеинер”лардан юз донаси юртимизга келтириляпти.

Бу юртдошларимизга ҳар қандай об-ҳаво шароитида, исталган вақтда деҳқончилик билан шуғулланиш имконини беради.

Бу биргина Сеулдаги таассуротларимиз. Янги инновацион гоғлар, ноу-хау, креатив ечимлари Корея Республикасининг бошқа шаҳарлари ва бошқа давлатларда ҳам кўрдик. Бу эса алоҳида мавзу...

ДУНЁ ИЖОБИЙ АКС САДО БЕРМОҚДА

Ислон динининг юксак маънавий аҳамиятини тарғиб этиш учун юртимизда олиб борилаётган ишлар бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётгани оммавий ахборот воситалари орқали кўпчиликка маълум.

Аввал хабар берганимиздек, шарқшунос ва ислоншунос бир гуруҳ ўзбек олимлари Францияга сафари давомида ўтказётган учрашувлари ҳар икки мамлакат алоқаларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Франция мусулмонлари кенгаши фахрий президенти, Париж жоме масжиди имоми Далил Бубақр, муфтий Ж. Бузиди билан ҳамкорларимизнинг мулоқоти чоғида диний соҳадаги ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, мусулмон ҳамжамиятига бундан етадиган фойда ҳамда манфаатлар ҳақида сўз борди.

— Ислон цивилизацияси маркази, Халқаро

Ислон академияси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадиқот марказларининг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг оламшумул аҳамиятга молик ташаббуслари ҳисобланади, — дейди Ж. Бузиди. — Бу ишлар ўтмишда бўлгани каби ўзбек заминидан кўплаб олим у фузалолар етишиб чиқишига хизмат қилишига, улар, ўз навбатида, ислон маърифатининг дунё бўйлаб кенг ёйилишига улкан ҳисса қўишларига ишонаман.

— Биз ислон динининг Ўзбекистондаги маърифий, бағрикенглик тамойилини, ёшларни яхши аъёнлар руҳида тарбиялашга қаратилган ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз, —

дейди Далил Бубақр. — Яқин кунларда Тошкент, Самарқанд, Бухорога делегацияимизни юборишни режалаштиряпмиз. Имом Бухорий, Имом Термизий макбаралари, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдек орзуларимиз тез кунларда ижобат бўлғай, ин шаа Аллоҳ.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 16 апрелда имзоланган “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар дунёнинг турли бурчакларида ижобий акс садо бераётгани бежиз эмас. Бинобарин, бу ислон динининг умрбодий қадриятлари башариятга дахлдор эканлигининг ёрқин далилидир.

Долзарб мавзу

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИННОВАЦИЯЛАР РИВОЖИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ

Замонавий технологиялар бир жойда тўхтаб турмайди. У мунтазам такомиллашгани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шундай шиддатли

давр талабига ҳамоҳанг равишда ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат экани билан ғоят аҳамиятлидир. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон УМАРОВ билан суҳбати мазкур Фармоннинг долзарблиги, тармоқда кузатилаётган янгилеклар хусусида бўлди.



ган одамга ҳар қандай ҳимоя, антивирус тизими ҳам ёрдам бера олмайди.

— Давлат органлари ҳамда бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришига масъул бўлган ходимларини мукофотлаш масаласи Фармондаги янгилеклардан бири бўлди. Мазкур жараён қандай амалга оширилади?

— Қўлаб-қувватлашнинг биринчи механизми — замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришига масъул бўлган ходимларга бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Мисол учун, поликлиникада АКТни ривожлантириш бўйича мутахассис бор, дейлик. Одатда, улар техник ходим саналади ва ойлик маоши ҳам катта эмас. Шу сабабдан ушбу лавозимда ҳеч ким узоқ қолмайди. Эндиликда бюджет ташкилотлари уларга маоши бўйича устама бериш имкониятига эга бўлмоқда. Бунинг учун раҳбар йиллик харажатлар сметасини шакллантиришда АКТ мутахассисларини мукофотлаш унга зарур эканлигини кўрсатиши лозим. Масалан, ойига икки миллион сўм деб. Устамалар бюджет ҳисобидан қопланади.

масъулятини ўз бўйича олиши, уларни ҳимоя қила билиши мумкин. Барча давлат органи на ташқи оламдан кира оладиган ҳамда на ташқи оламга чиқа оладиган ва алоҳида ҳимояланган тармоқ орқали идоралараро ахборот ҳамкорлигини бўйича муаммони ўрганиши эмас, балки бундай ҳолатни олдиндан кўра билиши, яъни олдинга ўтиб ишлаши зарур. Бинобарин, бугун Ахборот ва жамоат хавфсизлиги маркази фаолият юритаётган бўлса-да, вазирик таркибиде янги

— Фармонга кўра, рақамли иқтисодиёт бўйича янги бошқарма асос солинди. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик ва умуман, иқтисодиётни ривожлантиришда қандай роль ўйнайди?

— Аввало, шунга айтиш жоизки, рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, сановат объектлари, хизматлар деганидир. "Рақамли" атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фойдаланишни аниқлатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг турли бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.

Дарвоқе, "рақамли иқтисодиёт" атамаси миллий қонунчилигимизда илк бор қўлланилмоқда. Бирок дунё тенденцияси шунга кўрсатаётгани, барча ривожланган давлатлар уни шакллантиришга алоқачон киришган. Ўзбекистон ҳам мазкур жараёндан четда қолмаслиги керак. Зеро, биз глобаллашув, дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида гапирарканмиз, бу борада ўзгарган (трансформация қилинган, янгиланган) иқтисодиёт рақамли мумкин саналади.

Яратилган махсус бошқарма иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш билан шугулланади. Бу йирик сановат объектлари иш самардорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўши, фаолият шифофлигини таъминлаш, махсулот таннариhini камайтириш имконини беради.

Агар глобал нуктаи назардан қаралса, бугун башарият жаҳон иқтисодиёти тармоқлари, инсонлар ҳаёти, турмуш асослари ўзгариши билан боғлиқ қизиқ даврни бошдан кечирмоқда. Бу барча технология, компьютерлар интернет орқали бири бири билан боғланиб бораётгани ила изоҳланади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарий беш миллиард қурилма бутунжаҳон "ўргимчак тўри"га уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши кутиляпти.

Айни пайтда сунъий ақл ва когнитив интеллектуал тизимлар жадал тараққий топяпти. Бунинг натижасида яқин келажақда айрим касблар ўз долзарблигини йўқота-

ди ҳамда вақти келиб, йўқ бўлиб ҳам кетади. Мисол учун, "IoT" автоматлаштирилган тизими алоқачон синовдан ўтказилапти. Пировадиде роботлар автомобиль ҳайдовчилари, учувчилар ва ҳатто, ҳуқуқшуносларнинг ҳам ўрнини эгаллаши мумкин.

— Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши мамлакатда ишсизликнинг кўпайишини аниқлатадими?

— Келгусида механик ҳамда жисмоний меҳнат ўрнини робототехника эгаллаши кун сайин оидинлашиб бораёпти. Шунинг учун стратегия ишлаб чиқиш, рақамли кўникмаларни оммавий шакллантиришни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Ешлар янги касблар, турли технологиялардан фойдаланиш, компью-



Давлат органлари ҳамда бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ҳамда ривожлантиришига масъул бўлган ходимларга бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

терлар, интернет, катта миқдордаги рақамли маълумотларга ишлов беришга тайёр туриши керак. Яъни қандайдир жараёнлар автоматлаштирилиб экан, одамларни бошқа, янада долзарб интеллектуал касбларга йўналтириш лозим. Агар бу иш қилинмаса, "рақамли узилиш" дея номланувчи ҳолат юзага келади ва у АКТнинг жадал ривожланиши билан ўткирлашиб бораверади. Қисқача айтганда, бугун рақамли иқтисодиётнинг иккита вазифаси бор: амалдаги жараённи ички автоматлаштириб бориш ҳамда одамларни ўз фаолиятда замонавий технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш.

— Барча соҳани автоматлаштириш ҳақида гап кетар экан, ахборот хавфсизлиги

масаласини назардан четда қолдириб бўлмайди. Шундай экан, миллий электрон тизим хуружлардан қай даражада ҳимояланган?

— Қачонки қўлаб маълумотлар рақамли форматга ўтказилса, электрон кўринишда сақланса, ушунда ахборот ва киберхавфсизлик масаласи долзарблик касб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича шундай талаб қўйилганки, соҳа мутахассислари бу борада рўй берган қандайдир ноҳуш ҳодиса бўйича муаммони ўрганиши эмас, балки бундай ҳолатни олдиндан кўра билиши, яъни олдинга ўтиб ишлаши зарур. Бинобарин, бугун Ахборот ва жамоат хавфсизлиги маркази фаолият юритаётган бўлса-да, вазирик таркибиде янги

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарий беш миллиард қурилма бутунжаҳон "ўргимчак тўри"га уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши кутиляпти.

Роботлар автомобиль ҳайдовчилари, учувчилар ва ҳатто, ҳуқуқшуносларнинг ҳам ўрнини эгаллаши мумкин.

ахборот хавфсизлиги бошқармаси тузилаёпти. Статистикага кўра, ахборот мақонидеги бузилишлар кўпичина инсон омил билан боғлиқ бўлади. Кимдир калит сўз (пароль ёки махфий сўз)ни содда тўзади, кимдир уни компьютерда сақлайди ёки энг ёмони — очиш коди ёзилган стикерни мониторинга ёпиштириб қўяди. Шундан келиб чиқиб, давлатнинг ҳамма мансабдорларини ахборот хавфсизлиги бўйича оммавий ўқитиш учун комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг ҳар бири махфийлик, махфий, шахсий маълумотлар мавжуд бўлган хизмат маълумотлари билан ишлаётганини аниқлаб етиши лозим. Қандайдир маълумотлар билан ишлашда

технологиялар иқтисодиётнинг барча жабҳасига татбиқ қилинаётир. Шу боис нафақат мансабдор шахс, балки маълумотлар билан ишлаш жараёнига у ёки бу даражада боғланган ҳар бир киши фойдаланилаётган қурилмани ҳар қандай буручдан ҳимоялаш усулларини билиши шарт. Мисол учун, коммунал хизматлар кўрсатишчи ходимлар абонентлар ҳақидаги маълумотлар — уларнинг манзили, телефон рақамлари ҳамда бошқалар сақланадиган махсус биллинг тизимини қўлайди. Шунинг учун уларни ахборот хавфсизлиги воситалари бўйича ўқитиш мумкин. Бинобарин, технологик жиҳатдан ҳамма нарсани ҳимоя қилиш мумкин, лекин ахборот хавфсизлигини таъминлаш меъёрлари ва қондаларини билма-

Саиджон МАХСУМОВ суҳбатлашди.

ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бутун халқимизни, айниқса, илм-фан, маърифат аҳлини беҳад қувонтирди. Зеро, моддий ҳамда маънавий рағбат ҳар бир инсоннинг руҳини кўтарди, юксак марраларга интилишига куч беради.

Юксак марраларга рағбат

Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидаги илмий-педагог кадрларнинг салоҳияти пасайиб, соҳалар инновацион тараққиётидаги ўрни сусайиб бораётган бир даврда ушбу қарорнинг қабул қилиниши янада долзарб аҳамият касб этди. Мазкур мўҳим ҳужжат илмий фаолиятни рағбатлантириб, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий ходимларнинг моддий манфаатдорлигини тубдан оширди, лавозимлар, илмий унвон ва даражалар ўртасидаги табақалашувни такомиллаштиришга хизмат қилди.

Бундай эътибор ҳамда фамхўрлик олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳларида фаолият юритаётган ҳар бир ходимни ўз ишига янада жиддий ёндашишга ундаши, масъулятини кучайтириши шубҳасиз. Зеро, ойлик маошларини оширилиши замирида катта умид ҳамда ишонч мужассамдир. Бинобарин, халқимиз биздан фойдали илмий фаолият билан шугулланишимизни, ўзимиз ишлаётган олий таълим муассасаси илмий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўлишимизни, таълим сифатини тубдан яхшилаш, илм-фаннинг тараққиёт гарови эканини қроғзада эмас, амалда кўрсатишимизни кутмоқда. Буларни бажаришда биздан кўп нарсга талаб қилинади. Касбимизни чин дилдан севасак, энг мўҳими, халқимиз ва Президентимиз ишончини юракдан чуқур ҳис этиб, самарали меҳнат қилсак, шунинг ўзи киёв.

Тоҳир МАЛМКОВ, Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

Ипак қуртидан беш марта ҳосил олиш мумкин

Асака туманида "Янги ипак йўли" қўшма корхонаси томонидан 30 гектарлик тут плантацияси барпо этилди.

ИНТИЛИШ

— Хитой технологияси асосида интенсив усулда тут қўчатлари етиштиришнинг афзал жиҳатлари шундаки, уларни сув таъминоти қийин бўлган ҳудудларда ҳам парварилаш мумкин, — дейди корхона раҳбари Маҳмуджон Умрзоқов. — Тез етилувчанлиги, озқажай қувватини юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. Қўчатларимиз баравар ривожлангач, ипак қуртидан йилга 4-5 марта ҳосил олиш мумкин.

Ҳозиргача Хитойдан келтирилган 400 минг туп тут қўчати экиб бўлинди. Бунинг учун чет эллик сармоядорлар томонидан 2 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдоридеги маблағ йўналтирилди. Келгусида корхонанинг ўзида пилла қурти парварилаш ва ундан олинган ипакни қайта ишлаш ташкил этиш режалаштирилган.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Канопчилик 17 йиллик танаффусдан кейин қайта тикланди

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташифи давомиде Кўйи Чирчиқ туманидаги собиқ "Каноп" заводи ҳудудида аграр соҳани ривожлантириш лойиҳалари билан яқиндан танишаркан, жумладан, канопчиликни қайта тиклаш, бу орқали қимматбаҳо хом ашё етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берган эди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Хўш, унинг ижроси қандай? Бу йилги экин-тикин мавсумида каноп экилдими? Вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси мутахассисларининг айтишича, 17 йиллик танаффусдан сўнг мазкур ҳудудда яна каноп экила бошланди. Бунга биринчилардан бўлиб Кўйи Чирчиқ туманида ташкил этилган "Каноп тола" масъулияти чекланган жамияти жамоаси кўл урди. Яъни илгари канопчилик билан шуҳрат қозонган "Янги ҳаёт" ҳудудида 50 гектар майдонга каноп уруғи сепилди.

— Экин ишлари 12 нафар доимий ҳамда 65 нафар мавсумий ишчиларимиз гайрат-шижоати билан тез кунда сифатли амалга оширилди, — дейди мазкур жамият раҳбари Шавкат Миралиев. — Бунда пахтачиликда фойдаланилаётган техника воситалари кўл келди. Шу кунларда экинни дастлабки ўғитлаш ва ишлов бериш тадбирлари бажарилаяпти. Ҳосил етилгунга қадар салкам беш ой вақт бор. Бу мuddат давомиде канопни қайта ишлашни тиклаб олишимиз зарур.

Яқин ўтмишда мамлакатимизда 11 каноп заводи, учта каноп фабрикаси фаолият кўрсатган. Афсуски, эътиборсизлик, хом ашёнинг йўқлиги оқибатида улар бутунлай тўхтаб қолганди. Олимларимиз барака топшин. Барча ускуна ҳамда жиҳозлар чизмаларини сақлаб қолшган экан. Энди конструкторлик бюралари мутахассислари кўмағида замонавий қувватлар барпо этилди.

Унутилган эскиликнинг биз билмаган янгилеклари

Юртимизда каноп етиштиришга жиддий эътибор қаратилаётганининг боиси нимада? Сановатимиз ривожиде ушбу техник экин қандай роль ўйнайди?

Каноп ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаганларда шу каби саволлар тўғилаётгани беҳиз эмас. Вахолонки, Ўзбекистон луб толаи мазкур ўсимликни етиштириш, ундан тола олиш ва тайёр махсулот ишлаб чиқариш бора-сида бой тажриба, етарли салоҳиятга эга давлатдир.

Каноп — гўзадорлар оиласига мансуб, намга, ҳарорат ҳамда ёруғликка талабчан ўсимлик. Шу боис уни республикамизнинг деярли барча вилоятида етиштириш мумкин. Уси даври 124 — 145 кун бўлиб, гектаридан ўртача 100 — 120 центнер кўк поя, 4-5 центнер уруғ беради. Юртимиз тупроқ-иқлим шароитида 150 — 180 центнер кўк поя, 8-9 центнер уруғ олиш мумкин. Илгор агротехнологиялар қўлланилса, ушбу кўрсаткичлар янада яхшиланиши, шубҳасиз.

Маълумотларга қараганда, каноп ўсимлиги Тошкент вилоятида 1939 йилдан сановат микёсида етиштирила бошланган. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларида 22 минг гектар ер майдониде

парваришланиб, 350 минг тоннадан зиёд каноп хом ашёси тайёрланган. Ўз навбатида, хом ашё қайта ишланиб, 37 минг тонна тола олинган. Шундан 75 — 80 фоизи Россия, Болтиқбўйи, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларига хом ашё сифатида жўнатишган. Бундан ташқари, Куба, Буюк Британия, Бельгия, Болгария, Польша каби давлатларга экспорт қилинган. Қолган қисмигина ўзимизда чуқур қайта ишланиб, тайёр махсулотлар олинган.

Дарвоқе, каноп нафақат қимматбаҳо тола олиш, балки уруғи учун ҳам етиштирилади. Чўнки ўсимлик уруғи таркибиде 20 фоизгача техник мой бўлиб, у лок-бўёқ сановати, совун ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Муаммо қандай ҳал этилди?

Канопчиликни қайта тиклашда деҳқонларни қийнаган асосий муаммолардан бири уруғлик масаласи бўлди. Тўғри, уни чет мамлакатдан келтириш у қадар мураккаб иш эмас. Лекин хориж навини республикамиз иқлим шароитига мослаштириш учун камида 2-3 йил вақт талаб этилади. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари Кўмакка келишди. Илмий даргоҳнинг Юкори Чирчиқ туманидаги мойли, дуқакли ва толаи ўсимликларини ўрганувчи бўлимида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадида 2009 йилда сўнгги марта икки гектар майдонда каноп парваришланган эди. Уша йили ҳосил чўғи баракали бўлди, 520 килограмм уруғ олинди, тўлиқ сақлаб қўйилди.

Тўққиз йил. Бу — уруғликнинг яроқсиз бўлиб қолиши учун етарли мuddат. Бирок уруғнинг мўътадил иқлим шароитида белгиланган барча талабга риоя қилган ҳолда сақланганлиги унинг сифат кўрсаткичлари йўқолишига кўл келди. Лабораторияларда зудлик билан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатиши-

ча, унвчанлик даражаси 98 фоиз экан! Шу тариқа тадбиркор 50 гектар ерга етадиган, синовдан ўтган, иқлимлаштирилган сара уруғни кўлга киритди.

Техник ўсимликлар аълоси

Каноп, асосан, ўтлоқ майдонларга экилган. Деҳқонлар бегона ўтни ернинг ўз фарзандига, экилган экинни эса

Тошкент вилоятида 17 йиллик танаффусдан сўнг яна каноп экила бошланди. Кўйи Чирчиқ туманидаги илгари канопчилиги билан шуҳрат қозонган "Янги ҳаёт" ҳудудида ташкил этилган "Каноп тола" масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан 50 гектар майдонга каноп уруғи сепилди.

ўғайига қиёс қилдилар. Канопни эса она-заминнинг ўз фарзандидан ҳам афзалроқ, деб ҳисоблашади. Сабаби, мазкур техник экин чин маънода бегона ўтларга кун бермайди. Ушбу гапдаги "кун" сўзи кўёш маъносиде талқин этилса ҳам хато бўлмайди. Чўнки бўйи 3 метргача ўсадиган каноп илдизи чуқур кетганлиги боис сув ҳамда ўғитни осон ўзлаштириш билан бирга, бўйдорлиги туфайли кўёш нурларидан ҳам самарали фойдаланади. Бегона ўтларга соя солади. Шунинг учун Чирчиқ дарёсининг юқори, ўрта ва қуйи соҳилларида жойлашган ўтлоқ туманларда каноп экилган. Ушбу аъна бу йил ҳам давом этирилди.

"Толали экин", деганда, халқимиз кўз ўғинига гўза гавданланади. Бирок каноп толаси ҳам пахтаданкидан қолишмайди. Шу боис Хандўстлик давлатлари, хорижий мамлакатларда унга талаб ғоят катта. У майнлиги, пишиқлиги, сановатболлиги, яъни яхши тўқилиши билан ажралиб туради. Каноп толасидан ишланган махсулотлар намликни ўзига тортиши ҳамда тез ўтказувчанлиги (гигроскопик) туфайли бошқа техник ўсимликлардан олинадиган махсулотлардан устун туради.

Ҳозирги пайтда каноп иплари электротехника сановатида кабель махсулотлари ишлаб чиқаришда, тўқимачилик сановатида ҳар хил газламалар, мебель матолари ва гилам тўқишда, халқ ҳўжалигида брезент, аркон, ўт ўчириш учун ишлатиладиган эгилувчан шланглар тайёрлашда асосий хом ашё ҳисобланади. Ҳатто, канопни бирламчи қайта ишлашда ҳосил бўладиган чикиндиси ҳам қони фойда. Ундан қурилиш плиталари, гидролиқ сановатида эса пектин, спирт, фурфурола каби кимёвий моддалар олишда фойдаланилади. Шуларнинг ўзи канопнинг иқтисодиётдаги аҳамияти нечоғли катта эканлигини кўрсатиб турибди.

Тармоқ ривожинималарга боғлиқ?

Каноп целлюлоза олиш учун асосий хом ашёлардан бири ҳисобланади. Чўнки мазкур ўсимлик таркибиде целлюлоза миқдори 50 — 60 фоизни ташкил қилади. Бугунги кунда у АҚШ, Австралия, Япония, Испания давлатларида қоғоз сановатини хом ашё билан кафолатли таъминлаш мақсадида катта майдонларда парваришланмоқда. Шу маънода, юртимизда канопчиликнинг қайта йўлга қўйилиши ўз қоғоз сановатимизга эга бўлишимиз учун ҳам кенг йўл очади. — "Ҳар қандай янгилик — унутилган эскилик", деган гап бор, — дейди Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, қишлоқ ҳўжалиғи фанлари номзооди Исқандар Анарбоев. — Чиндан ҳам, бугун кўпчилик учун тамомил янгилик бўлган канопчилик халқимиз учун унутилаётган эскилик эди. Тармоқни қайта тиклаш, ривожлантириш учун имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли. Фақат улардан оқилона фойдаланиш зарур.

Аввало, уруғчиликни тўғри йўлга қўйиш талаб этилади. Юртимиз олимлари томонидан канопнинг тезпишлари навлари яратилиб, амалиётга тавсия қилинган, парварилаш технологияси яратилгани бу борадаги ишларимизни енгилаштиради, албатта.

Шу билан бирга, ўсимлик кўк поясини урадиган, пўстлоқдаги ўзакни ажратадиган механизмлар, уруғлик қанопни ўриб-янчадиган қомбайнлар ва бошқа зарур техникалар паркни шакллантириш мақсадаг мувофиқдир. Ана шунда олдимизга қўйилган вазифаларни унда-лаб, қишлоқ ҳўжалигининг яна бир истиқболли тармоғини тугал ўзлаштиришга эришамиз.

Мақола саҳифаланаётган пайтда "Каноп тола" масъулияти чекланган жамиятидан кўнғироқ қилишиб, хўшхабар етказишди. Юртимизда яна каноп етиштирилаётганлигидан россиялик ишбилармонлар ҳам хабардор бўлишган экан. Улар экин майдонларини ўз қўзлари билан кўриш, лозим топилса, тола сотиб олиш учун шартнома тузиш мақсадида Тошкентга келадиган бўлишди.

Саид РАҲМОНОВ, Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Амир МАҲМУДОВ:

Ўзбекистон тараққиётига ўз хиссамни қўшишга тайёрман

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг сентябрь ойда Америка Қўшма Штатларида қилган таширида океанортида яшаб, турли соҳаларда фаолият юритаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашган ҳамда уларни Ўзбекистонга қайтиб, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга чақирган эди. АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассиси Амир МАҲМУДОВ ушбу эзгу давватга “лаббай” деб жавоб бериб, юртимизга келди.



лининг камлиги, тиббий маданиятининг етарлича эътибор берилмаслиги оқибатида одамларда йод танқислиги билан боғлиқ хасталиклар кўп учраши сир эмас. Ушбу муаммони махсус дастур асосида бартафат этиш, соҳада юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлаш зарур. Ватанимизнинг эртанги кунини, тараққиёти билан боғлиқ мазкур масалада қўлимдан келган барча ёрдамни беришга тайёрман. Ҳамкасбларим билан фикр ҳамда тажриба алмасам, гоёт мамнун бўлардим.

— Юртимизда амалга оширилётган ўзгаришларга қандай баҳо берасиз?

— “Йилнинг қандай келиши баҳоридан маълум”, деганларидек, Самарқанд халқаро аэропортидаёқ одамлардаги илқ кайфиятини ҳис қилдим. Аэропорт ходимларининг муомаласи, самимиёлиги, юқори сифатдаги хизмат кўрсатиши чет эллик меҳмонларда ҳам яхши таассурот қолдирганини уларнинг гап-сўзидан аңгладим. Бу юртдошларимизда маданият янада юксалаётганидан, одамларнинг онгу тафаккури бойиб бораётганидан далолат беради.

Яна бир гап: Самарқандда туғилиб-ўсган бўлсам-да, шу вақтга қадар унинг қўрқу жамолини баланддан кўрмаган эканман. Самолётимиз кўнаётганда кўзим тушиб, шаҳарнинг гўзаллигини ҳайратга тушдим. Самарқандни айланб, шунинг билан бир пайтда амалга оширилган қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳримиз моҳият-эътибори, қўрқу салобати билан дунёнинг энг мафтункор гушларидан бирига айланибди.

Пойтахтдаги янгиланишлар ҳақида эса дунёнинг етакчи нашлаарида қайта-қайта ёритилмоқда. Бу ерда бунёд этилаётган бизнес ва инновацион марказлар, “hi-tech” ҳамда “акли” шаҳарлар, замонавий ер усти метро линияси, тураржой бинолари ва спорт мажмуалари яқин йилларда Тошкентнинг нафақат ташқи қиёфасини, балки ички муҳитини, одамларнинг яшаш шароитини ҳам ўзгартиришини ҳатто хорижлик мутахассислар ҳамда экспертлар ҳам эътироф этишяпти. Ўзбекистоннинг бундан келажакда Марказий Осиёнинг йирик бизнес марказига айланиши, демоқда улар. Мен бу ерга келиб, амалга оширилётган ишларни ўз кўзим билан кўриб, жорий прогнозларни қўлтирдим ҳам эртарақ рўйбга чиқишига ишониб турибман.

Ўзбекистонда йод унсурларига бой денгиз маҳсулотлари истеъмори

ни ҳам яққол пайқайдим. Одамлар ўз турмушида адолат тамойиллари устуворлиги таъминланиб, сўз эркинлиги ва демократик ислохотлар янада чуқурлашиб бораётганидан хурсанд. Бироқ инсонларнинг онгу дунёқарашидаги ўзгариш мамлакатда жадал олиб борилаётган ислохотлардан ортда қолаётгандек, назаримда. Одамларда “яхши ебичи, ўйнаб-қулиб яшасам, бас”, деган доғматик қарашлар ҳали ҳам бор. Кўпчилик вақтининг қадрига етмайди. Масалан, биргина тўй ёки бирор маъракаи ўтказиш учун ҳафталаб вақтини беҳуда соғуради. Китобхонлик кенг тарғиб қилинаётган бўлишига қарамай, ҳали ҳам омма-лашмаган. Оилавий кутубхоналар ташкил этиш ҳақида кўпчилик хонадон соҳиблари ўйламайди ҳам. Дунё тамаддуни бешигини тибратган аждодларнинг авлодларига эса бундай номуабаул ҳолатлар ярашмайди...

— Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларнинг қайси жиҳатларини янада бойитиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, халқнинг фаровон ҳаётини, жаҳонда ўз сўзи, ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш учун қилиниши лозим бўлган неки иш бор — ҳаммаси пухта ўйланб, юксак оқиллик ҳамда кенг мушоҳада билан, узоқни кўриб амалга оширилмоқда.

Ташаббус ва тақлифлар ҳақида гап кетса, шунинг айтишим мумкинки, мамлакатда мактабга таълимни дунё стандартлари асосида йўлга қўйиш, хусусий шифоналар фаолиятини янада рағбатлантириш, катта хом ашё ресурслари ҳамда миллий аъёнларга эга бўлган тиббиёт туризмни рағбатлантириш билан боғлиқ қатор ислохотлар бугунгидан қачинкига қадар, дейман. Қўвончлиси, Ўзбекистонда бу ишларнинг амалга оширилиши учун зарур ҳуқуқий база шакллантирилган, барча моддий ва маънавий имконият яратилган. Энг муҳими, одамлар олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини теран аңлаб, ғайрат-шиқоят билан меҳнат қилса, қисқача айтганда, ушбу эзгу тадбирларда давлат раҳбарига қамарбаста бўлса, самара узоқ куттирмайди — доно сарбон бошлаган қарвон ўз ёруғ манзиллига, албатта, етади. Бунга ишончим қомил.

«Халқ сўзи» муҳбири Дилшоҳ КАРИМОВ фикрлари.

ЯРМАРКА

“Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуида “JobFair — 2018” бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.



Кадрларга эҳтиёж қандай ҳал этилади?

Ўн биринчи бор ўтказилган мазкур тадбирда иқтисодиётимизнинг sanoat, молия, энергетика, савдо ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, ахборот технологиялари соҳаларида фаолият юритаётган 60 дан ортқ корхоналар 500 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Улар орасида “Unitel”, “Enter Engineering”, “Hyatt Regency Tashkent”, “Turon Telecom”, “Universal Mobile Systems” каби йирик компаниялар борлиги диққатга сазовор.

Ярмарка доирасида “Ходимларни қизиқтиришнинг замонавий технологиялари” мавзусида ташкил этилган маҳорат сабоғи барчага бирдек манзур бўлди. Негаки, унда 20 йилдан ортқ тажрибага эга россиялик бизнес-тренер, маслаҳатчи Борис Жалилов томонидан ходим қизиқиши йўқолишига олиб келадиغان оддий ҳатолар, кадрлар



Дилшоҳ КАРИМОВ олип суратлар.

Эксклюзив интервью

— Ўзбекистон Президенти билан учрашиш мен учун чинакам тарихий воқеа бўлди, — дейди у. — Шавкат Мирзиёев даврада йилгиланларга меҳр ва эътибор кўрсатиб, қўл бериб қўришди, ҳар биримизнинг ишимиз, режаларимиз билан қизиқиб, дилдан суҳбатлашди. Тўғриси айтсам, учрашув бунчалик самийи ҳамда очик, дўстона руҳда ўтади, деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим. Айниқса, Президентнинг бизни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдор бўлишга, билим ва тажрибаларимизни мамлакат ривожига йўналтиришга ундагани, бунинг учун ҳар қанча рағбат ҳамда имконият зарур бўлса, яратиб беражagini ваъда қилгани йилгиланлар қалбиди ҳаяжонни бир неча баробар ошириб юборди, десам, адашмайман.

Учрашувдан барчамиз юз-кўзимизда илқлик, кўтаринчи кайфият, энг муҳими, гурур ва ишонч билан тарқалдик. Шаҳсан мен эл-юртини чин қалбдан севадиган, унинг тинчлиги ҳамда тараққиёти учун бундан борлигини баҳо этишга тайёр инсон, юксак салоҳият ва катта қалб соҳиби халқимизга бош бўлиб келганга ишончим қомил бўлди, бундан чекисиз фахр-ифтихор туйдим.

— Узоқ йиллар ўтиб, ман, яна Ватандасиз. Кўнглингиздан не ўйлар кечмоқда? Ушбу сафарингиздан қандай мақсадларни кўзлагингиз?

— Қувончу ҳаяжонимни, қани энди, сўз билан таърифлаб бера олам! Ватан соғиничи фақат юракдан ўтказган билади. Бир нарсаани айтишим мумкин: бу дунёда яқинларинг дийдорини, бошингни силаган онанг қўларининг қайноқ тафтидан, отангнинг меҳр тўла илқ қучогидан, атрофингда қўлогинга бирдек чалиниб турган она тилинг

оҳангидан азизроқ, ҳузурлироқ нарса йўқ. Шу боис одам қаерда бўлмасин Ватанини соғинади, киндик қони томган тупроққа интилади.

Менда бу интилиш доимо кучли бўлган. Бироқ, тан олишим кераки, Шавкат Мирзиёевнинг Америкадаги ватандошлар билан учрашувда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида, келажак мақсадлари, орзу-ниятлари тўғрисида ўзига хос жўшқинлик, қатъият ҳамда ишонч билан гапиргани, бизни уларни рўёбга чиқариши йўлида ҳамнафас, ҳамқадм бўлишга чақиргани қалбимдаги чўғни аланга олдириб юборди. Узим ўсиб-ўлғайган юртининг тўзини оқлаш, мамлакатимиз тараққиётига, зигирча бўлса-да, хизмат қилиш ҳақидаги орзу-истакларимнинг ушалиши учун имконият яратилганидан беҳад хурсанд бўлдим. Шароит бўлиши билан она-юртимизга ошиқдим.

— Сир бўлмас, Ўзбекистонда қандай ишларни амалга оширмоқчисиз?

— 1995 йилдан буён АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарашли Касаликларнинг олдини олиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш агентлигига ишлайман. Муассасамиз нафақат АҚШ, балки бутун дунёда турли касалликларни келтириб чиқарувчи омилларни, инсоннинг атроф-муҳитга, атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига таъсирини комплекс тарзда ўрганиди, илмий ёндашувлар асосида бу борадаги муаммоларни бартафат қилиш билан шуғулландади. Ҳозирги кунда организмда йод танқислигини олдини олиш бўйича кенг қўламли дастурни ҳаётга татбиқ этмоқдамиз. Жаҳон бўйлаб 250 та лабораториямиз ишламоқда. Улар ташқи назорат дастурлари орқали

МАЪЛУМОТ УРНИДА:

Амир Маҳмудов 1969 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетида тахсил олган. Бугунги кунда АҚШда истиқомат қилади. 2 нафар фарзанди бор.

бошқарилади. Шу билан бирга, лабораторияларга мунтазам услубий, моддий-техникавий қўмак кўрсатилади. Бундан ташқари, кўргошим моддасининг экологияга таъсирини бартафат қилишга қаратилган яна бир дастуримиз бор. Бу йўналишда ҳам дунёнинг қўлаб мамлакатларида 450 дан ортқ лабораторияларимиз фаолият юритапти.

Бугун бу борадаги ишларга жаҳонда талаб кун сайин ортиб бормоқда. Чунки атроф-муҳитнинг ифлосланиши, йод этишмаслиги натижасида юзага келган касалликлар тўғрисида ҳар йили минглаб инсонлар нобуд бўлапти.

Йод танқислигини олдини олиш, оналар ҳамда болаларни асраш жуда мухим. Агар хомиладор аёллар саломатлигига мазкур хасталик билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлса ва у ўз вақтида даволанмаса, гўдакнинг жисмоний ҳақида ақлий ривожланиши суст кечади, ҳатто унинг ҳаётига ҳаф туғилиши ҳам мумкин. Йод этишмаслиги комплекс тарзда ўрганилиб, унинг олдини олиш ва даволаш чоралари қўрилмаса, бу ҳол бутун аҳоли саломатлигига таҳдид солиши, инсон қўлаги ҳофизасининг пайсайдига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда йод унсурларига бой денгиз маҳсулотлари истеъмори

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 26 МАРТДАН 30 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**
1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 1 мартдаги 52, 2018-19, 341-В-1-сон “Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-3 (2018 йил 27 мартдан қучга кирди).
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 6 мартдаги 01-02/12-28-сон “Халқаро почта ва кўрерлик жўнатувлари устидан божхона назорати қоидаларининг 4.1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-3 (2018 йил 27 мартдан қучга кирди).
3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 60-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушувлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушувлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳақида тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомига 22-илловасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-3 (2018 йил 27 мартдан қучга кирди).
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 322-В-1, 63-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2320-1 (2018 йил 28 мартдан қучга кирди).
5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар ҳавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 мартдаги 42, 10-қ, 16-сон “Фуқаро ва экспериментал авиацияда учувчилар тарқиб учун ёшга оид чегараларни киритиш тўғрисида”ги қарорининг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-3 (2018 йил 28 мартдан қучга кирди).
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 17 мартдаги 9/7-сон “Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1615-3 (2018 йил 28 мартдан қучга кирди).
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 17 мартдаги 9/10-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларига депозит операцияларини амалга

- ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-2 (2018 йил 28 мартдан қучга кирди).
8. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар ҳавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиқининг 2018 йил 23 мартдаги 113-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-61) 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-10 (2018 йил 28 мартдан қучга кирди).
9. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 4-2018-сон “Олий ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.
2018 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-2 (2018 йил 28 мартдан қучга кирди).
10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 13 мартдаги 166-мқ, 22-сон “Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.
2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1826-1 (2018 йил 29 мартдан қучга кирди).
11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 48-сон “Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш ва муҳдатларини белгилаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.
2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2624-1 (2018 йил 29 мартдан қучга кирди).
12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 35-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг қўндуғи таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.
2018 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2987 (2018 йил 29 мартдан қучга кирди).
13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 49-сон “Бюджет таснифини қўлаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.
2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-8 (2018 йил 31 мартдан қучга кирди).
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 17 мартдаги 9/11-сон “Марказий банкнинг банкларро тўлов тизими орқали электрон тўловлари амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми

- га ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.
2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-2 (2018 йил 31 мартдан қучга кирди).
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 24 февралдаги 7/10-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.
2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2988 (2018 йил 31 мартдан қучга кирди).
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош буларнинг раҳбарлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюрларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
2018 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989 (2018 йил 31 мартдан қучга кирди).
- II. Давлат реестридан чиқарилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2320, 2012 йил 1 февраль).
Адлия вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 180-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош буларнинг раҳбарлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1641, 2006 йил 14 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1641-1, 2008 йил 19 май), (рўйхат рақами 1641-2, 2013 йил 6 март).
Адлия вазирлигининг 2018 йил 30 мартдаги 191-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг “Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2315, 2012 йил 19 январь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2315-1, 2015 йил 8 январь).
Адлия вазирлигининг 2018 йил 30 мартдаги 191-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Маданий аъёнлар ва миллий таомлар намойиши

“Ўзэкспомарказ”да Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан XVI маданий аъёнлар ва миллий таомлар фестивали уюштирилди. Унда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар юртимизда халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Дипломатлар иштирокида аъёнларнинг тарзда ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар, фестиваллар ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Фестиваль доирасида мамлакатимиз тарихи, мейморлиқ аъёнлари, халқимизнинг урф-одатлари ҳақида маълумот берадиган сурат ва стендлар, миллий

Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фақуллода ва муҳтор элчиси Винод Кумар. — Унда қатнашиш ҳар бир инсоннинг маънавий савиясини юксалтириш билан бирга, дунё халқлари маданияти, урф-одат ва таомлари ҳақида билимларини бойитиши. Энг муҳими, бундай тадбирларда оилавий иштирок этиш мумкин. Фестивалнинг кўтаринки руҳида уюштирилган Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Тадбир меҳмонлари турли халқларнинг миллий таомларидан татиб кўриш, тайёрланиш усуллари ҳақида маълумот олиш баробарида, маданиятлари, урф-одатлари, қадриятлари, миллий либослари билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлади.

— Мазали таомлар, ҳуш оҳанглр — ўта самимиий ва кўнгилочар байрам, — дейди д. йўлдошев.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

POWER UZBEKISTAN

13-халқаро **ЭНЕРГЕТИКА** кўргазмаси

2018 йил 16 — 18 май

Ўзбекистон, Тошкент ш., “Ўзэкспомарказ” МКК АЖ, 2-павильон ва “Атриум” зали.

www.power-uzbekistan.uz

Энергетика, энергия тежамкорлиги, энергиянинг муқобил манбалари, қучланиш электроникаси

Дастлабки икки кун фақат тармоқ мутахассислари тақлиф этилади!

Ташкилотчи: **Itexa Exhibitions** (телефон: +998 71) 205-18-18, электрон пошта: power@ite-uzbekistan.uz)

ONLINE РЎЙХАТДАН УТИНГ

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Тошкент вилоятида **2018 йилнинг 10 майидан бошлаб давлат активлари** ва қўчмас мулк объектларини сотиш фақат **«E-JRO AUKSION»** электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этилади

Сотувдаги объектлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент вилояти худудий бошқармасидан (телефонлар: (0-371) 230-41-70, 230-41-80, 230-41-68) ҳамда Давлат рақобат қўмитасининг privatization.gk.uz ва «E-JRO AUKSION»нинг www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Электрон савдоларда иштирок этиш тартиби www.e-auksion.uz сайтида келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ушбу қўмита аъзоси, Сенатор Хайрулла Хикमतова турмуш ўртоғи Саодат ҲИҚМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

**«Дўстлик» орденли
Навоий кон-металлургия
комбинати жамоаси**

**Ўзбекистон халқини
Хотира ва Қадрлаш куни**
умумхалқ байрами
билан табриклайди!

**Хотира абадийдир.
Иккинчи жаҳон урушида қатнашган,
мардлик ва жасорат кўрсатган
уруш фахрийларини,
шулар қаторида фронт ортида
фидокорона меҳнат қилган
юртдошларимизни халқимиз
доимо эъзозлайди.**

**Серқуёш Ўзбекистонимиз
аҳлига тинчлик ва омонлик,
эзгу ишларида улкан
муваффақиятлар
тилайди!**

9 МАЙ

ASAKA BANK

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки жамоаси

сизларни
9 май —
Хотира ва Қадрлаш куни
билан чин дилдан
муборакбод этади!

Осомимиз узра тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, мамлакатимиз тараққиёти учун жонини аямаган ватандошларимизга чуқур таъзим бажо келтиради, қалбдан миннатдорлик билдиради.
Барчангизга сихат-саломатлик, омонлик ва бахт-саодат тилайди!

Байрам муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
«ЭХТИРОМ»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 3 ва 6 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталарда 30 дан ортиқ турда, қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банки бош офиси телефонлари:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
Автотранспорт филиали	(0-371)	120-39-95	Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтохур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
Андижон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
«Фарход» филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Кўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

MIKROKREDITBANK

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат
банки жамоаси

**юртдошларимизни
9 май —
Хотира ва
Қадрлаш куни
билан
қутлайди!**

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Телефон: (+99871) 202-99-99. www.mikrokreditbank.uz Хизматлар лицензияланган.

UTG FARG'ONAGAZ

**«Ўзтрансгаз» АЖ
Фарғона вилояти бўйича
газ таъминоти худудий
филиали**

қуйидаги харидлар
ва хизматлар бўйича
тижорат таклифлари қабул қилади:

- кислород шланги — 400 метр;
- перфоратор (отбойный молоток электрический) — 2 дона;
- электр шлифмашина (болгарка) — 2 дона;
- электр дрель — 4 дона;
- кўча маиший вагон — 4 дона;
- пайвандловчи химоя каскаси — 8 дона;
- қурилиш маскаси — 25 дона.

**«Ўзтрансгаз» АЖ
Фарғона вилояти бўйича
газ таъминоти худудий
филиалининг**

2018 йил манзилли дастурига киритилган Фарғона вилояти, Сўх тумани, Сариканда қишлоғида жойлашган участка маъмурий биносини мукамал таъмирлаш учун танлов эълон қилади.

Юқоридаги харидлар ва хизматлар фаолияти билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 (етти) кун ичида тижорат таклифлари қабул қилинади.

Мурожаат учун: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+998 73) 229-04-36.
«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

**Халқ сўзи
Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терлиш ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6